

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Гулистон давлат университети

Иқтисодиёт назарияси кафедраси

Мелибоев Илхомнинг

**5340100-иқтисодиёт таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини
олиш учун «Иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳудудий-иқтисодий
муаммолари (Сирдарё вилояти иқтисодиёти мисолида)» мавзусидаги
битирув малакавий иши**

Раҳбар:

**Иқтисодиёт назарияси кафедраси
доценти Хидиралиев К.Э.**

Гулистон-2011

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Бозор муносабатларига ўтиш даврида республикамиз ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан турли даражада ривожланмоқда. Бунинг асоси ҳудудий-иқтисодий муаммолар ва уларнинг ўзига хос бартараф этилиши. Бундай муаммоларга ҳудуддаги табиий муаммолар (табиий ресурслар ва табиий шароит ҳолати, улардан фойдаланиш даражаси ва сифати), ижтимоий-иқтисодий муаммолар (аҳоли бандлиги, аҳоли турмуш шароитидаги фарқлар, иқтисодиёт тармоқларининг ривожланганлик даражаси). Масалан, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Фарғона вилоятлари иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишига кўра, республиканинг бошқа ҳудудларидан олдинда туради. Аксинча, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бу кўрсаткичлар бўйича энг қуйи ўринларни эгаллайдилар.

Қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучларининг мавжудлиги Фарғона водийси вилоятлари олдидаги долзарб муаммолардан ҳисобланади. Сирдарё ва Жиззах вилоятларида эса аксинча, қишлоқ хўжалигини ишчи кучлари билан таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолати ўткир муаммо бўлиб турибди. Навоий вилоятида ишсизлик даражаси юқори.

Умуман, йирик саноат корхоналари жойлашган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси нисбатан янги ўзлаштирилган, саноати кам тараққий этган ҳудудга қараганда анча юқори. Ҳозирги пайтда ҳудудий сиёсатнинг муҳим вазифаларидан бири-иқтисодий кооперация ва ҳудудлараро меҳнат тақсимотини такомиллаштиришдир.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида республика ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Айниқса иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳудудий (минтақавий) ва иқтисодий муаммоларини ўрганиш, уларни бартараф этиш, республикамиз минтақалари ижтимоий ва иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш ва такомиллаштириш бозор

ислохотларининг асосий йўналишлари ҳисобланади. Мавжуд табиий-иқтисодий шарт-шароит ва ресурслардан ҳамда бозор талабларидан келиб чиқан ҳолда иқтисодиётни оқилона шакллантириш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, иқтисодиётни ривожлантиришнинг **ҳудудий** (маҳаллий ҳокимият ва ўзини-ўзи бошқариш органлари, табиий-иқтисодий ресурслар салоҳияти, демографик жараён, саноат тармоқлари жойлашуви, қишлоқ хўжалик тармоқлари жойлашуви, инфратузилма ва ҳоказо) ва **иқтисодий** (пул-кредит тизими, молия тизими, солиқ тизими, инвестицион фаолият, ташқи иқтисодий алоқалар, минтақавий иқтисодий дастурлар, турли хил мулкчилик шакллари шаклланиши ва ҳоказо) муаммоларини ўрганиш ва бартараф этиш республиканинг ва унинг минтақаларининг бозор муносабатларига ўтиш стратегиясининг асосий бўғини ҳисобланади.

Мазкур жараёнда Сирдарё минтақаси ижтимоий-иқтисодий тарақиётини чуқур таҳлил этиш, ундаги ҳудудий ва иқтисодий муаммоларни бозор иқтисодиёти шароитида, уни қонуниятлари асосида ривожлантиришнинг назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқиш тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Мавзуни ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳудудий-иқтисодий муаммоларининг илмий-назарий асослари кўплаб олимлар ишларида ёритилган. Хорижий олимлардан А.Вебер, И.Тюнел, А.Лёш, У.Айзард, республикаимиз олимларидан С.Ғуломов, М.Баракбадзев, Ж.Жалилов, С.К.Зиядуллаев, З.М.Акрамов, А.Р.Рўзиев, Э.Аҳмедов, Н.Тўхлиев, М.Рахимовалар иқтисодиётни ривожлантиришдаги ҳудудий ва иқтисодий муаммоларни кенг доирада ўрганишган, уларни бартараф этиш бўйича ўзларини амалий тавсияларини беришган. Жумладан, Президентимиз И.А.Каримов асарларида мазкур жараён миллий иқтисодиёт мисолида бугунги кун нуқтаи назаридан атрофлича ёритиб берилган. Лекин юқоридаги ва бошқа олимларнинг

ишлари асосан йирик минтақалар доирасида олиб борилган ва уларни мажмуа ҳосил қилиш асослари кўрилмаган. Айни вақтда минтақалар ичидаги ҳудудий ва иқтисодий муаммолар бозор иқтисодиёти қонунларидан келиб чиқган ҳолда етарли даражада ўрганилмаган. Шу жиҳатдан Сирдарё вилояти иқтисодиётини ривожлантириш, унинг олдида турган ҳудудий-иқтисодий муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ишнинг тадқиқот **объекти** сифатида Сирдарё вилояти иқтисодиёти ва уни ривожланишининг ҳудудий-иқтисодий муаммолари олинди. Бу жараён бевосита ва билвосита минтақадаги тармоқлар жойлашувига, улар тарақиётига ўз таъсирини кўрсатади.

Вилоят иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳудудий-иқтисодий муаммоларини таҳлил қилиш ва бозор муносабатлари нуқтаи назардан баҳо бериш ушбу тадқиқот ишининг **предметини** белгилайди. Бу тадқиқотда диалектик алоқадорлик услуби ва солиштириш, статистика, анализ ва синтез усулларида кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Мазкур тадқиқот ишининг **мақсади**-Сирдарё вилояти иқтисодиётининг ривожлантиришнинг ҳудудий-иқтисодий муаммоларини таҳлил қилиш асосида юксак иқтисодиётни вужудга келтириш ва такомиллаштириш масалалари бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир. Ушбу мақсаддан келиб чиқан ҳолда куйидаги вазифалар белгиланди ва ҳал этилди:

- Иқтисодиёт тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантириш назарияларини ўрганиш;
- Иқтисодиёт тармоқларини жойлашуви ва ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиларни ўрганиш;
- Миллий иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг устувор вазифаларини таҳлил қилиш
- Вилоят қишлоқ хўжалиги ва уни ривожлантиришнинг ҳудудий-иқтисодий муаммоларини ўрганиш;

- Сирдарё вилояти саноат мажмуалари ривожланишининг ҳудудий муаммоларини ёритиш;
- Сирдарё вилояти иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни аҳамиятини мазмунан ёритиб бериш;
- Вилоят иқтисодиётини ривожлантиришнинг истиқбол йўналишларини белгилаб бериш.

Тадқиқот ишидаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар. Иқтисодиёт ва унинг соҳалар мажмуаси ўзининг даврий ва минтақавий ташкил этилиши, технологик жараёни ва бошқа хусусиятлари билан ажралиб туради. Бинобарин, бозор иқтисодиёти шароитида минтақалар доирасида турли хил муаммоларни ўрганишга жиддий ва устувор эътибор бермоқ замон талабидир.

Ушбу доирада бажарилган тадқиқот ишининг **илмий** янгилиги, аввало бозор муносабатлари шароитида Сирдарё вилояти иқтисодиётини ривожланиши ва унинг олдидаги муаммолари минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти фани нуқтаи назаридан ўрганилганлиги билан ифодаланади. Шунингдек, тадқиқотда қуйидаги муаммолар ўз ечимини топган:

- Вилоят қишлоқ хўжалиги ва уни ривожлантиришнинг ҳудудий-иқтисодий муаммолари атрофлича ўрганилган;
- Сирдарё вилояти саноат мажмуалари ривожланишининг ҳудудий муаммолари ёритилган;
- Сирдарё вилояти иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни аҳамияти ёрқин мисолларда кўрсатиб берилган;
- Вилоят иқтисодиётини ривожлантиришнинг истиқбол йўналишлари турли соҳалар мисолида ифодаланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий-таҳлилий хулоса ҳамда тавсияларидан вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда, саноат ва қишлоқ хўжалиги мажмуаларини ривожлантириш ва ҳудудий жойлаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот мавзусининг таркибий тузилиши. Иш кириш, икки боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. БМИ умумий ҳажми 74 бет.

Ишнинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган.

Биринчи боб-«Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг ҳудудий-иқтисодий муаммолари ва уларнинг назарий асослари» деб номланган бўлиб, унда ушбу масалани бозор муносабатлари шароитида ривожлантириш ва минтақавий такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Иккинчи боб-«Сирдарё вилояти иқтисодиётини ривожланишида ҳудудий-иқтисодий муаммолар ва уларнинг ечимлари» да Сирдарё вилояти минтақасида иқтисодиётни ривожлантириш омиллари ва уларнинг таъсир этиш даражаси, шу билан бир қаторда, вилоят иқтисодиётини ривожлантиришдаги минтақавий муаммоларни бартараф этиш йўллари атрофлича ўрганилган.

Тадқиқотнинг **хулоса ва тавсиялар** қисмида тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, муаллифнинг ушбу мавзу бўйича хулоса ва таклифлари келтирилган.

1 Боб. Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг ҳудудий-иқтисодий муаммолари ва уларнинг назарий асослари

1.1. Иқтисодиёт тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантириш назариялари

Бозор муносабатларига ўтиш даврида республикамиз ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан турли даражада ривожланмоқда. Бунинг асоси ҳудудий-иқтисодий муаммолар ва уларнинг ўзига хос бартараф этилиши. Бундай муаммоларга ҳудуддаги табиий муаммолар (табиий ресурслар ва табиий шароит ҳолати), ижтимоий-иқтисодий муаммолар (аҳоли бандлиги, аҳоли турмуш шароитидаги фарқлар, иқтисодиёт тармоқларининг ривожланганлик даражаси). Масалан, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Фарғона вилоятлари иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишига кўра, республиканинг бошқа ҳудудларидан олдинда туради. Аксинча, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бу кўрсаткичлар бўйича энг қуйи ўринларни эгаллайдилар.

Қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучларининг мавжудлиги Фарғона водийси вилоятлари олдидаги долзарб муаммолардан ҳисобланади. Сирдарё ва Жиззах вилоятларида эса аксинча, қишлоқ хўжалигини ишчи кучлари билан таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолати ўткир муаммо бўлиб турибди. Навоий вилоятида ишсизлик даражаси юқори[13].

Умуман, йирик саноат корхоналари жойлашган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси нисбатан янги ўзлаштирилган, саноати кам тараққий этган ҳудудга қараганда анча юқори. Ҳозирги пайтда ҳудудий сиёсатнинг муҳим **вазифаларидан** бири-иқтисодий кооперация ва ҳудудлараро меҳнат тақсимотини такомиллаштиришдир.

Ҳудуд ривожланишидаги энг муҳим **вазифалардан** бири -турли ҳудуд аҳолисининг турмуш даражаси бўйича тафоввутларни бартараф этишдан

иборат. Ушбу вазифани бажаришда тараққиёт даражаси паст бўлган ҳудудни ривожлантириш учун махсус Давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, табиий ресурсларга бой ҳудудларда, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Бизга маълумки, ҳудуд деб, мамлакатнинг шундай бир яхлит бўлагига айтиладики, унда қуйидаги учта ўхшаш жиҳатлар мавжуд бўлади:

- Аҳоли ва унинг хусусиятлари;
- Табиий-иқлимий шароитдаги ўхшашликлар;
- Ишлаб чиқариш, ижтимоий инфратузилма ва коммуникация бирликлари.

Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига эришиш учун:

- барча ресурслардан (моддий, молиявий, меҳнат) фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг жадаллиги ва мутаносиблигини таъминлаш, шу асосда унинг самарадорлигини ошириш;
- истикболдаги ривожланиш суръатларини аниқлаш, бунда маҳаллий ресурслардан тўла фойдаланишга эътибор бериш;
- фан-техника ютуқларидан ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш, илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг иқтисодий механизмини яратиш, режалаштиришни янада демократиялаштириш, корхоналарга, ҳудудий бирликларга индикатив (тавсиявий) режаларини тузиш учун ҳуқуқий-иқтисодий шароитлар яратиш, бозор иқтисодиёти шароитида самарали рақобат бўлиши учун бозор талабига мос равишда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;
- ишлаб чиқаришни бозор ҳажми ва талабига мос равишда ташкил этиш;
- валюта тушумларининг кўпайишини таъминлаш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш;
- бозор талаби асосида тез ўзгарувчан янги технологияларни жорий этиш, маҳсулот сифатини ошириш ва ҳоказолар кўзда тутилади[13].

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан иқтисодиётда демократиялаштириш жараёни кучаймоқда. Бу объектив жараён маъмурий-

буйруқбозлик тизимиға барҳам берди, маҳаллий ҳокимият идораларининг ваколатлари кенгайишиға олиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасида буни “Ўзини-ўзи бошқариш ва халқ депутатлари кенгашлари тўғрисида”ги қонунда вилоятлар ва шаҳарларда тузилган ҳокимиятлар мисолида кўриш мумкин.

Тарихан қараб чиқилганда, иқтисодиёт тармоқлари ичида энг қадимийси қишлоқ хўжалигидир. Унинг эволюцион ривожланиши ҳудудий ташкил қилиш шакллариининг мураккаблашиб бориши ва такомиллашуви билан бирга содир бўлади. Қишлоқ хўжалик тармоқлари–деҳқончилик ва чорвачиликнинг маълум ҳудудда жойлаштирилиши ёки штандорти дастлаб немис иқтисодчиси Иоганн Генрих фон Тьонен томонидан 1826 йилда ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш жоизки, айнан ана шу олим иқтисодиёт назариясида биринчи бўлиб ишлаб чиқаришнинг ҳудудий жиҳатига эътибор қаратди, ҳудудий иқтисодиёт таълимотига қўл урди, иқтисодий макон тушунчасини фанга киритди. У иқтисодиётни ҳудудий ташкил этиш масалаларига мажмуали, тизимли ёндошди, қишлоқ хўжалиги тармоқлари жойлашувининг қонуниятларини очиб берди.

И.Тьонен ўзининг илмий ғоясини абстракт ҳолатда, алоҳида, бошқа мамлакатлар билан боғлиқ бўлмаган, ажралиб турган давлат мисолида яратди. Унинг фараз қилишича, бу мамлакатда атиги битта шаҳар мавжуд бўлиб, у қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмол қилувчи ягона бозор ёки марказ вазифасини ўтайди. Мазкур шаҳар атрофида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш асосан транспорт харажати, маҳсулот вазни, унинг сифатини бузилмаслиги ва келтириш масофаси белгилайди. Айнан ана шу транспорт омили, унинг иқтисодий жиҳатлари қишлоқ хўжалик тармоқларини шаҳардан узоқ ёки яқин масофада жойлашув тизимини шакллантирди. Агар маҳсулот етиштириш ва уни марказга келтириш қанча арзон бўлса, у шунча яқин масофада, акс ҳолда узоқроқда жойлашади.

Юқоридаги тартибда қишлоқ хўжалигини жойлаштириш шаҳар атрофида ўзига хос айланаларни ҳосил қиладики, улар илмий адабиётларда «Тюнен халқалари» номи билан машҳур. Масалан, бу халқанинг энг биринчиси юқори даражада унумдор шаҳар атрофи хўжалигидан иборат бўлиб, ундан кейинги халқа ўрмон хўжалиги, учинчиси-мева ва уруғчиликдан ташкил топади. Жами Тюнен 6 халқа белгилаган, улар, юқоридагилардан ташқари, турли йўналишдаги чорвачиликни ҳам ўз ичига олади.

Чиндан ҳам шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги ҳозирги кунгача халқасимон ташкил этилади: энг яқин жойда сабзавот, карам, картошка, ундан узоқроқда сут чорвачилиги, дончилик, паррандачилик, боғдорчилик ва узумчилик, гўшт-жун чорвачилиги маълум тартибда жойлашади. Бундай ҳудудий агротизимнинг вужудга келишида транспорт, бозор омили, маҳсулотнинг арзонлиги ва харидоргирлиги, сифатининг бузилмаслиги катта аҳамиятга эга.

Шунингдек, саноат ишлаб чиқаришининг ҳудудий ва даврий ташкил этиш хусусиятлари, мужассамлашув даражасининг юқорилиги, табиий шароити билан бевосита боғлиқ эмаслиги ва, бинобарин, мавсумий бўлмаганлиги кўп жиҳатдан унинг иқтисодий самарадорлигини тавсифлайди. Бу ерда фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишловчи саноат корхоналари (пахта тозалаш, консерва ва вино заводлари) қисман агросоҳага хос хусусиятлар таъсирида бўлади. Йил давомида бирдай ишламаслиги туфайли уларда меҳнат унумдорлиги ҳам пастроқ.

Аммо саноат корхоналарни илмий асосда жойлаштириш ғоялари дастлаб айнан ана шу тоифадаги тармоқларни ҳудудий ташкил қилиш билан боғлиқ. Бу ғоя яна бир немис олими Альфред Вебер номи билан машҳур. У 1909 йилда саноатни жойлаштириш ёки саноат штандорти тўғрисида махсус асар ёзади ва И.Тюнендан фарқли ўлароқ, фақат транспорт омили билан чекланмайди. Унгача германиялик В.Лаунхардт ҳам 1882 йилда алоҳида

саноат корхонасини жойлаштиришда хом ашё ва маҳсулотни реализация қилиш омилларига эътибор қаратган. Бу олим транспорт харажатларини қисқартиришни муҳим шарт қилиб олган эди. А Вебер эса фақат транспорт чиқимлари эмас, балки умумий сарф-харажатларни камайитиришни ҳисобга олган[14].

А.Вебер саноат корхонаси жойлашувининг оптимал (энг қулай) нуқтасини унинг иқтисодий фойдадан келиб чиққан ҳолда белгилайди. Бунинг учун у хом –ашё ва ёқилғи, ишчи кучи ва транспорт омилларига урғу беради. Кейинчалик хом ашё ва ёқилғи харажатлари ҳам транспорт омилига киритилади ва қолган барча шарт-шароитларни алоҳида агломерация омилида умумлаштиради. Натижада саноат штандорти, яъни жойлашуви ишчи кучи, транспорт ва агломерация омиллари билан белгиланади. Шундай қилиб, бу олим фанга саноат корхонасини жойлаштиришининг кўп омилли таҳлилига асос солади ва бунинг учун у математик усулдан кенг фойдаланади.

Таъкидлаш керакки, агар И.Тюнен фақат ягона истеъмол маркази – шаҳарни фараз қилган бўлса, А.Вебер ҳам фақат алоҳида саноат корхонаси мисолида (пиво заводи) ўзининг илмий тассаввурларини яратган. Демак, ҳар иккисида ҳам маълум абстракт шароитлар инобатга олинган. Шу билан бирга юқоридаги олимларнинг илмий ғоялари ишлаб чиқаришнинг ҳудудий мужассамлашуви ва бинобарин, унинг нотекис жойлашуви, ривожланишига қаратилган эди.

А.Вебернинг саноат штандорти ўз асосий моҳиятини йўқотмаган бўлсада, кейинги йилларда саноат жойлашувининг шакллари янада мураккаблашиб, такомиллашиб борди. Жумладан, бу борада **экологик омилнинг** таъсири кучайди, ишчи кучининг миқдор жиҳатлари эмас, унинг сифат кўрсаткичлари муҳимроқ бўлиб қолди. Саноат ишлаб чиқариш меҳнатталабликдан кўпроқ «илмталаб», маблағталабликка ўзгарди. Шунингдек, транспорт инфратузилмасидаги янгиликлар конвейр усулининг

ўрнига айна бир маҳсулотнинг турли хилларини ишлаб чиқариш (постфордизм), миқдор иқтисодиётидан сифат ёки турли хиллик иқтисодиётига ўтиш, фан техника тараққиёти саноатни ҳудудий ташкил қилишга жиддий таъсир этди[15].

Ҳозирги даврда янги юқори технологияларнинг («нау-хау») ривожланиши натижасида глобал масштабда саноат тармоқлари ўзларининг экологик жиҳатдан тозалиги, бехатарлиги, меҳнатталаблигига кўра турли мамлакатларда жойлашмоқда. Чунончи, юқори даражада тараққий этган мамлакатлардан анъанавий саноат корхона ва тармоқлар-қурилиш материаллари, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, машинасозликнинг таъмирлаш қисмлари ва ҳатто тўқимачилик ҳам аста-секин ривожланаётган мамлакатларга кўчмоқда. Аграр район ва мамлакатлар хўжалиги шу асосда индустриялашмоқда, юқори босқичдаги мамлакатлар эса постиндустрияга қадам қўймоқда. Бу икки қутб оралиғида янги индустриал мамлакатлар қатлами вужудга келиб, уларнинг сафи тобора ошиб бормоқда.

Республикамизнинг мустақиллик йилларида барпо этилган саноат марказлари (Асака, Қоровулбозор ва бошқалар) келажакда ўзига хос ўсиш қутбларига айланишлари мумкин. Бундай қутблар мамлакат миқёсида йирик ва ўрта шаҳарлар асосида ҳам шаклланиб боради (Навоий, Зарафшон, Муборак, Жиззах, Қарши, Қўнғирот ва ҳоказо).

Ривожланган мамлакатларда шаклланаётган, фан-техника ютуқларига асосланган саноатни ҳудудий ташкил этиш шаклларида технополис, наукоград (фан шаҳарлари) кабилар ҳам миллий ва минтақавий иқтисодиётни ривожлантиришда аҳамиятлидир. Улар кўпинча университет ва илмий-текшириш институтлари, фан инфратузилмаси муҳайё бўлган жойларда барпо этилади. Яқин келажакда ўзига хос технополиснинг Улугбек шаҳарчасида вужудга келиш имконияти кўзда тутилмоқда.

Йирик саноат марказлари ёки кўпинча йирик саноат марказларининг атрофида ихтисослашган саноат пунктларининг жойлашуви *саноат тугуни*,

саноат агломерациясини шакллантиради. Бундай саноат тугунлари оддий ва мураккаб кўринишда бўлади. Турли, бир-бири билан ишлаб чиқариш ва технологик жihatдан боғлиқ бўлмаган саноат корхоналари фақат ҳудудий умумийликка эга бўлса, у ҳолда бу тугун саноат корхоналарининг оддий гуруҳи ҳисобланади. Агар мазкур саноат корхоналари орасида технологик алоқадорлик ҳам мавжуд бўлса, бундай ҳудудий ишлаб чиқариш бирлиги ривожланган мажмуа шаклини олади. Ҳар икки ҳолатда ва айниқса саноат мажмуасида ҳудудий мужассамлашув, агломерацион самарадорлик юқори, чунки бундай шароитда ягона инфратузилма тизими катта тежамкорликка, капитал маблағ сарфини камайтиришга олиб келади.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги ва саноат-асосий макроиқтисодий тармоқларнинг ҳудудий ташкил қилиш шакллари ҳар хил хусусиятга эга. Ноишлаб чиқариш, яъни аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини жойлаштириш ҳам ўзига хосдир. Қизиғи шундаки, ушбу муаммо билан ҳам немис олими, яъни В.Кристаллер шуғулланган. У ўзининг «Жанубий Германия марказий ўринлари» (1933 й) номли асарида аҳоли манзилгоҳлари тизимининг жойлашуви ва уларнинг функциялари тўғрисида фикр юритган.

В.Кристаллер номи билан марказий ўринлар, аҳоли пунктларининг классификацияси, поғонасимон жойлашуви, яъни иерархияси тушунчалари боғлиқ. Бу ғоянинг асосий моҳияти шундаки, турли йирикликдаги шаҳар (марказ) ўзига тегишли ҳудудга ўз таъсирини кўрсатади, уни товар ва хизмат соҳалари билан таъминлайди. Марказлар даражасининг юқорилаб бориши билан ундан «пастдаги» марказларга хос соҳалар бу марказ учун ички, яъни маҳаллий аҳамиятга эга бўлади, таъсир доираси ёки радиуси кенгайиб боради. Ҳақиқий марказ эса нафақат ўз аҳолисини, балки атрофни ҳам маҳсулот ва хизмат соҳалари билан таъминлаш қобилиятига эга бўлиши шарт.

Таъкидлаш жоизки, В.Кристаллер ҳам хўжаликнинг атиги бир тармоғини олган. Барча ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштиришнинг

умумий ғоялари эса кейинчалик яратилди. Бунинг учун дастлабки қадамни немис О.Энглендер ва швед Т.Паландерлар қўйган (XX аср биринчи ярми). Бироқ хўжаликнинг ҳудудий ташкил этиш таълимотининг ҳақиқий асосчиси машҳур немис иқтисодчиси Август Лёш ҳисобланади.

А.Лёш 1940 йилда ўзининг «Жойлаштириш иқтисодиёти» номли китобини нашрдан чиқаради. У бу асарида ўзидан олдинги штандорт ғояларини умумлаштиради, кенгайтиради ва ривожлантиради, алоҳида тармоқдан бутун хўжалик мажмуига кўтарилади, ҳудудий–иқтисодий ривожланиш мутаносиблиги, иқтисодий ландшафт (район) тўғрисида мукамал таълимот яратади.

Юқорида барча хўжалик тармоқлари алоҳида ва биргаликда ҳудудий жиҳатдан кўриб чиқилди. Аммо улар орасида транспорт тармоғига деярли эътибор берилмади. У фақат омил сифатида назарда тутилди, холос. Ваҳоланки, транспортсиз қишлоқ хўжалиги ва саноат штандорти, иқтисодий район ва ҲИЧМ лар пайдо бўлмайди. Шу нуқтаи назардан транспорт умуман ишлаб чиқариш жараёни ва уни ҳудудий ташкил қилишнинг «қон томири», ҳаракатлантирувчи, мустаҳкамловчи, боғловчи қисмидир.

Транспортнинг ўзини ҳам ҳудудий ташкил қилиш шакллари мавжуд. Энг аввало бу соҳанинг тасмасимон жойлашувини, турли транспорт турларининг кесишган нуқталарида транспорт тугунларининг пайдо бўлишини унутмаслик лозим. Агар бир неча транспорт (темир ва автомобил йўллари, қувур ва электрон транспорт) бир йўналишда, бир-бирига параллел ҳолда жойлаштирилса, у ҳолда ўзига хос ҳудудий транспорт мажмуалари шаклланади. Бундай бақувват боғловчи «арқонлар» кўпинча иккита йирик саноат марказлари оралиғида, коридор шаклида вужудга келади.

Магистрал йўллари ва шаҳарлар, шаҳар агломерациялари миллий ва минтақавий иқтисодиётнинг ички тузилиши, таянч нуқта ва чизиқларини ташкил қилади. Масалан, Тошкент-Жиззах-Бекобод, Самарқанд-Бухоро-

Қарши «учбурчаклари», Фарғона халқаси Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг ўзагини акс эттиради.

1.2. Иқтисодиёт тармоқларини жойлашуви ва ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилар

Ишлаб чиқариш тармоқлари ўз-ўзидан, тасодифан ҳудудий тарқалмайди, балки маълум шарт-шароитлар ва омилларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади ёки ҳудудий ташкил этилади. Бу омилларни яхши билиш ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркиби ва тизимининг ривожланиш қонуниятларини ўрганишга асос бўлади.

Ишлаб чиқаришни жойлаштириш маълум қонуният, принцип ва омиллар асосида амалга оширилади. Қонуниятлар, энг аввало, омилларнинг ўзаро алоқадорлиги, ишлаб чиқариш корхона ва тармоқларининг маълум ҳудудий ва технологик мажмуа шаклида ташкил этилиши, бу тармоқлар ривожланишидаги мутаносибликлардан келиб чиқади. Масалан, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврини ўзининг қонуниятлари мавжуд. Ишлаб чиқаришга нисбатан истеъмол, таклифга кўра талабнинг устунлиги, эркин рақобат, очик иқтисодиёт юргизиш, уни либераллаштириш шулар жумласидандир. Булар, албатта, ишлаб чиқаришни жойлаштиришга, иқтисодий маконнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

Принцип ёки тамойиллар қўйилган стратегик мақсадларга эришишдаги, дастлабки ёки бирламчи асослар ҳисобланади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.А.Каримов** томонидан ишлаб чиқилган мамлакатнинг бозор муносабатларига ўтиш даврига мос беш асосий принцип ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини белгилаб беради. Ўз навбатида улар ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилишда эътиборга олинади.

Шунингдек, бу даврда вақт ва маблағдан унумли фойдаланиш, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи соҳаларни жадалроқ ривожлантириш, табиий ва меҳнат ресурсларини ишга солиш, **минтақалараро иқтисодий интеграция жараёнларини кучайтириш** ҳам катта аҳамият касб этади. Албатта, бу борада ишлаб чиқаришни хом ашё базасига, электр манбаи ва истеъмол районларига яқинлаштириш принципи ўз кучини сақлаб қолади. Бироқ, унутмаслик лозимки, барча ишлаб чиқариш тармоқларини бир вақтнинг ўзида ҳам хом ашё, ҳам ишчи кучи, ҳам истеъмол райониغا яқинлаштириш қийин (ё униси, ёки бунисига яқинлаштириш мумкин, аммо ҳаммасига эмас). Бинобарин, бу тамойилни ҳар хил тармоққа нисбатан аниқ қўллаш талаб қилинади.

Ўтиш даврида барча ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини тенглаштириш принципи ҳам аввалгидек, «социалистик руҳда» талқин қилинмайди. **Қолаверса, бу даврда минтақалараро тафовут сақланиб ва ҳатто бироз кучайиб бориши мумкин.** Шу боис давлатнинг минтақавий сиёсати бу фарқларни иложи борица қисқартиришга йўналтирилади. Бундай ҳудудий номутаносибликларнинг ўзига хос ривожланиш омили сифатида (ҳудудий рақобат) маълум даражада сақланиб қолишинининг сабаби шундаки, бир вақтнинг ўзида барча тармоқларни бир даражада ривожлантириш асло мумкин эмас. Худди тармоқлар таркибида бўлганидек, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий тузилмасида ҳам ривожланиш навбатма-навбат, устуворлик принципи, рақобат асосида олиб борилади[20].

Табиийки, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда минтақаларнинг ривожланиши турли хил омил ва шароитларга ҳам боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштиришда хом ашё, ёқилғи, электр қуввати, сув ва иқлим шароитлари, меҳнат ресурслари, истеъмол ва транспорт, иқтисодий географик ўрин каби омиллар муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, экология, илмий-техника тараққиёти ва бозор иқтисодиёти омилларининг бу борадаги роли ҳам ошиб бормоқда.

Кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга таъсир этувчи омиллар жуда кўп. Модомики бу омиллар кўп экан, демак:

-уларнинг таъсир даражаси ҳар хил бўлади;

-бу омилларни гуруҳлаш талаб этилади;

-омиллар ва ишлаб чиқаришни жойлаштиришни ўрганишда комплекс (яъни ҳар томонлама) ёндошув зарур.

У ёки бу омилнинг таъсир даражаси унинг маҳсулот яратишдаги «солиштира оғирлиги» билан ўлчанади ёки унинг маҳсулот бирлиги билан нисбати ҳисобга олинади. Албатта, жамият тараққиёти, фан-техника ривожига ва бошқа сабаблар туфайли омилларни таъсирчанлиги ўзгариб боради. Чунончи, агар илгари табиий шароит, хом ашё, ишчи кучи кабиларнинг аҳамияти катта бўлган бўлса, ҳозир илмий-техника тараққиёти, экология, бозор, истеъмолнинг кўчайиши ва турланиши муҳимроқ бўлиб қолмоқда, ишлаб чиқариш кўпроқ маблағталаб ва илмталаб бўлиб бормоқда.

Шу билан бирга маълум омилнинг таъсирчанлиги, яъни унинг кўп сарфланиши аста-секин камайтирилиб борилади. Масалан, маҳсулот бирлигига нисбатан сарфланадиган хом ашё, ёқилғи, электр қуввати, ишчи кучи ва бошқалар мунтазам равишда тежалади. Бу эса ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиб боришига олиб келади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, «кўп сарфланади» деган сўз ўз-ўзидан исрофгарчиликни ва, бинобарин, атроф-муҳит экологиясига ҳам салбий таъсирни англатади. Жумладан, хом ашё кўп сарфланадиган ёки «сув талаб» корхоналарда шунга мос равишда хом ашёни тўла ишлатилмаслиги, унинг чиқиндига кетиши, сувнинг ифлосланиши каби ҳолатлар юз беради. Демак, бу борада тежамкорлик ҳам иқтисодий, ҳам экологик аҳамиятга эга бўлади.

Ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштиришда барча шарт-шароитлар, омиллардан келиб чиқилади. Лекин маълум тармоқни ҳудудий ташкил этишда ҳамма омил эмас, улардан фақат айримлари етакчи, ҳал этувчи рол ўйнайди. Бунинг учун яратиладиган маҳсулот бирлигига, масалан, сув ёки

электр қуввати, ишчи кучининг қай даражада сарфланишини аниқлаш талаб этилади. Бошқача қилиб айтганда, «каср махражида» маҳсулот бирлиги, унинг суратида эса алоҳида-алоҳида омиллар (масалан, 1 тонна шакар олиш учун қанча хом-ашё, яъни қанд лавлаги ишлатилади, қанча электр қуввати ёки меҳнат сарфланади ва ҳ.к.) туради. Қайси омил бўйича йирик сон чиқса, унинг аҳамияти шунча юқори бўлади ва у кўрилатган ишлаб чиқариш тармоғини жойлаштиришда белгиловчи, аниқловчи вазифани ўтайди.

Алоҳида шуни қайд этиш лозимки, маълум тармоққа кирувчи барча корхоналар хили ёки кичик «тармоқчалар» учун биттагина омил тегишли бўлмайди. Жумладан, машинасозлик тармоғига тегишли баъзи бир корхоналарни жойлаштиришда хом ашё (метал) кўпроқ аҳамиятга эга бўлса, бошқаси учун малакали ишчи кучи муҳим ҳисобланади.

Хўжаликнинг барча тармоқлари, шунингдек, аҳолининг жойлашувида табиий шароитнинг роли катта. Бу борада айниқса ер, сув, ҳарорат, тупроқ кабилар муҳим ўринда туради. Ернинг ишлаб чиқаришни жойлаштиришдаги ўрни унинг майдони, катта-кичиклиги, геоморфологик хусусиятлари билан тавсифланади.

Саноатда сув хусусан сув ва иссиқлик электр станциялари, қора ва рангли металлургия, целлюлоза-қоғоз, гидролиз, синтетик тола ишлаб чиқаришда, тўқимачиликда кўп сарфланади (айрим маълумотларга кўра, саноат бутун халқ хўжалигида сарфланадиган сувнинг 40 фоизини истеъмол қилади). Масалан, 1 тонна синтетик тола ишлаб чиқариш учун 2000 м^3 , 1 тонна ип газламасига 1260 м^3 , 1200 минг кВт қувватга эга бўлган иссиқлик электр станцияси учун эса 1200 млн³ сув сарфланади. Демак, бу ва шунга ўхшаш саноат корхоналарининг сув сиғими жуда юқори. Мазкур омилнинг кишлоқ хўжалиги ва, айниқса суғорма деҳқончиликдаги ўрни янада юқори ва анъанавийроқ. Зеро, дастлабки маданийлашган, ривожланган жойлар айнан Ер юзининг суғорма деҳқончилик районларида, воҳаларда вужудга келган

(Нил дельтаси, Месопотамия, Ҳинд-Ганг пасттекислиги, Хуанхе дарёсининг ўрта қисми, Мовароуннаҳр ва б.).

Иссиқ иқлим шароитида саноат корхоналарини очик усулда қуриш, сув ва бошқа алкогольсиз ичимликлар, ип газлама ишлаб чиқаришга ўхшаш тармоқларни кўпроқ ривожлантириш талаб этилади. Об-ҳаво ва иқлим транспортнинг кўпгина турларини ривожлантириш ва жойлаштиришга ҳам таъсир қилади. Шунингдек, табиий географик шароитлар рекреация ва туризм соҳаларини ташкил этишда ҳам катта аҳамиятга эга.

Табиийки, маҳсулот хом ашёсиз яратилмайди. Аммо айрим маҳсулотларни олиш учун хом ашё бошқаларига қараганда кўпроқ сарфланади. Шунинг учун бундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган тармоқлар ва корхоналар мумкин қадар хом ашё районларига яқин жойлаштирилади.

Саноатнинг барча тармоқлари, масалан, тоғ-кон, ўрмон, балиқчилик ўз-ўзидан маълумки, хом ашё бўлмаган районларда ривожланмайди. Бундай саноат тармоқларининг жойлашуви бевосита фойдали қазилмалар ёки табиий бойликлар географияси билан боғлиқ. Бошқа саноат тармоқларининг ҳудудий ташкил этилиши эса бироз мураккаброқ. Масалан, 1 тонна пахта толаси олиш учун тахминан 3 тонна хом пахта, 1 тонна пахта ёғи учун 5 тонна чигит, 1 тонна писта ёғига 3 тонна кунгабоқар, 1 тонна шакарга 7 тонна қанд лавлагиси ишлатилади. Ушбу рақамларни нисбий кўринишда бериш фойдадан холи эмас. Чунончи, пахта толасини оқ пахтадан чиқиши 32-33 фоиз, пахта ёғининг чигитдан олинishi 19-20, шакарни қанд лавлагидан 14-15 фоиз ва шунга ўхшаш. Демак, бу корхоналар хом ашё районида ёхуд унга яқин жойлаштирилади.

Минерал ўғитлар ичида калий ўғитини ишлаб чиқариш географияси батамом хом ашё омили билан белгиланади, чунки уни олиш учун кўп миқдорда калий тузи сарфланади. Айни пайтда азот (селитра) ўғитини ишлаб чиқарувчи корхоналар анча «эркин» жойлашади. Бундай корхоналар қора

металлургия марказларига, сув манбаларига яқин, нефт ва газ саноати ривожланган районларда ўрнатилиши ҳам мумкин. Фосфор ўғити ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам ашё ва истеъмол районларида жойлаштирилади. Ҳом ашё сифатида апатит, фосфоритлар хизмат қилади. Шунингдек, бу ўғитни ишлаб чиқаришда олтингугурт кислотаси ҳам талаб этилади. Шу боис улар рангли металлургия марказларида ҳам ташкил этилади. Ўзбекистонда азот ёки селитра Чирчиқ, Навоий, Фарғонада, суперфосфат Қўқон ва Самарқандда, аммофос ёки азот ва фосфор ўғитларининг бирикмаси Олмаликда ишлаб чиқарилади.

Ҳозирги замон ишлаб чиқаришини электр қувватисиз тасаввур қилиш қийин. Ушбу соҳанинг ўзига хос хусусияти шундаки, у яратган маҳсулотни, яъни электр қувватини жамғариб, омборхонларга йиғиб бўлмайди, ундан айна пайтнинг ўзида, синхрон равишда фойдаланиш керак. Бундан ташқари, электр қуввати юқори кучланишли электр тармоқлари орқали узок масофаларга ҳам узатилиши мумкин.

Одатда электр қуввати омилини ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ташкил этилишида энг аввало унинг арзон хилларига урғу берилади. Арзон электр қуввати сув станцияларидан олинади, чунки сув сувлигича ГЭСдан кейин ҳам қолаверади, ёқилғи электр станцияларида эса кўмир, мазут ёки табиий газ тамомила сарфланади.

Электр–энергетика омилига қуйидаги мисолларни келтириш мумкин. 1 т. қалайи ёки титан ишлаб чиқариш учун (титанни асримизнинг метали ҳисоблайдилар. У пўлатдан бир неча марта енгил ва айна пайтда ундан анча чидамлироқ. 40-50 минг квт\соат, худди шу миқдордаги алюминийга ва натрийга 14-18 минг квт\соат, мисни рафинациялаш (тозалаш), электр печларида пўлат эритишда уларнинг ҳар бир тоннасига 8-10 минг квт\соат атрофида электр қуввати сарфланади. Шунингдек, темир қотишмалари (ферросплав), магний, кўрғошин, синтетик тола ва каучук кабиларнинг ҳам

электр энергиясига талаби катта. Табиийки, бундай корхоналар арзон электр энергияси манбаларига яқин жойда қурилиши керак.

Ижтимоий-иқтисодий омиллар ичида энг муҳими аҳоли ва меҳнат ресурсларидир. Албатта, ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни ишчи кучисиз содир бўлмайди. Аммо бу ўринда икки ҳолни қайд этиш лозим: биринчидан, шундай корхоналар борки, уларга сон жиҳатидан кўп ишчи керак. Масалан, тикув фабрикаси, консерва заводи, пахта етиштириш, уни қайта ишлаш корхоналарининг меҳнат сиғими катта ва ҳоказо. Айни бир пайтда бошқа бир корхонларга меҳнат ресурсларининг миқдори кўп бўлиши шарт эмас, аксинча, «оз бўлса ҳам, соз бўлсин» маъносида уларга малакали, яъни сифатли ишчи кучи талаб қилинади. Мазкур корхоналар ва тармоқлар радио ёки приборсозлик, аниқ машинасозлик ва шунга ўхшаш, одатда, малакали ишчи кучи мавжуд бўлган шаҳарларда жойлаштирилади. Бундай илмталаб корхоналарни ташкил этишда баъзи ривожланган мамлакатларда махсус технополис ва фан шаҳарлари яратилади.

Ўзбекистонда маҳаллий аҳолининг табиий кўпайишининг нисбатан юқорилиги ва унинг миграцион ҳаракатининг фаолсизлиги меҳнат захираларини кўплаб шаклланишига олиб келади. Шу сабабли республикада меҳнатга лаёқатли аҳоли сони миқдоран жуда кўп. Уларнинг сони, айниқса, қишлоқ жойларида ва суст ривожланган кичик шаҳарларда юқори. Бинобарин, бундай жойларда иш ўринларини кенгайтириш, янги саноат ва бошқа корхоналар, маданий-маиший муассасаларни қуриш, меҳнат бозорини шакллантириш керак.

Аҳоли, албатта, фақат ишчи кучи эмас, у балки кўпроқ даражада истеъмолчи ҳамдир. Бу омилнинг роли эса ҳозирги кунда халқнинг яшаш шароити ва даражасини яхшилаш доирасида кескин ошиб бормоқда. Муваққат ижтимоий қийинчиликларни енгиллаштириш учун аҳолининг кундалик ҳаёти учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак ва унинг бошқа эҳтиёжларини қондирувчи маҳсулотларни етарли даражада ишлаб чиқариш

талаб этилади. Шу боис истеъмол омили озиқ-овқат корхоналарини ўзига «тортади», яъни бундай завод ёки фабрикалар, аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари қишлоқ ва шаҳарларда жойлаштирилади.

Истеъмол омили фақат халқ эҳтиёжи билан белгиланмайди. Ишлаб чиқаришнинг ўзини талаби, бошқа хил маҳсулотларнинг кенг миқдорда сарфланиши, уларнинг транспортда келтиришнинг ноқулайлиги ҳам бундай корхоналарнинг истеъмол районларида қурилишини тақозо этади. Масалан, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ўша минтақанинг ишлаб чиқариш ихтисослашувига мувофиқ шу ернинг ўзида ривожлантирилиши зарур. Умуман, қайси район нимага ихтисослашса, ўша машинасозлик тармоғи бу ерда яхши ривожланган бўлиши қонуний бир ҳолдир. Ўзбекистонда пахта терувчи, Белоруссияда картошка, Украинада қанд-лавлаг, Шимолий Кавказда ва Волгабўйида ғалла йиғувчи, Қирғизистонда пичан тахловчи. Грузияда чой терувчи машиналарни ишлаб чиқариш бунга яққол мисол бўла олади. Худди шундай, районларнинг маълум бир саноат тармоқларига ихтисослашуви ўша соҳаларга тегишли машина, асбоб-ускуна, жиҳозлар ишлаб чиқарилишини талаб этади. Чунончи, Уралда металлургия саноати учун, Бокуда нефт, Донбассда кўмир, Петрозаводскда ўрмон, Ўзбекистонда тўқимачилик машинасозлиги ривожланган.

Айрим бошқа саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларини ҳам аҳоли яшаб турган жойларда ўринлаштириш мақсадга мувофиқ. Масалан, кўп истеъмол қилинадиган, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари-сут, пиёз, карам ва бошқалар шаҳар атрофи хўжалиги доирасида етиштирилади. Бошқа мисол-нефтни келтириб, ундан бензин, керосин, мазут ва шунга ўхшаш турли маҳсулотларни олиш, кимё саноатини ривожлантириш маъқулми ёки маҳсулотларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида келтиришми? Табиийки, бу ерда биринчи вариант маъқулроқ. Худди шунга ўхшаш: бошқа жойлардан ғалла келтириб, ундан ҳар хил маҳсулотлар—ун, сухари, печенье, макарон, вермишел кабиларни ишлаб чиқариш қулай ва арзонроқ.

Гўшт саноатини жойлаштириш ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Бу саноат бевосита чорвачилик районларида ривожлантирилса, унда истеъмолчига фақат музлаган гўшт келади. Бундай гўшtdан эса колбаса, консерва, қийма гўшт ёки бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариб бўлмайди. Аксинча, агар гўшт саноати истеъмол районларида ўрнаштирилсачи? Унда молни келтириши керак, аммо бу даврда биров бўлсада у ўз тирик вазнини йўқотади. Бундан ташқари, гўшт маҳсулотини ишлаб чиқариш молнинг жуни ва териси, қони ва суягидан шу жойнинг ўзида фойдаланиш имконини берсада, мазкур заводларни шаҳар ичида ўрнаштириш экологик нуқтаи назардан яхши эмас.

Транспорт омили жуда муҳим, чунки у ишлаб чиқаришнинг бевосита давом эттирувчи тармоғи ҳисобланади. Транспорт инфраструктураси бўлмаса хом ашё ҳам келтирилмайди, маҳсулот ҳам истеъмолчиларга етказилмайди, ҳудудий меҳнат тақсимои ривожланмайди. Шунинг учун транспортнинг аҳамияти барча бошқа омиллар таъсири билан қўшилиб, уйғунлашиб кетади ва уни «соф» ҳолда ажратиб олиш қийин. Шу билан бирга транспорт масаласи иқтисодий географик ўрин омили билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Зеро, бу ўрин объектнинг энг аввало ташқи иқтисодий муносабатларини англатади.

Ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг «қулайлиги» кўп жиҳатдан унинг арзонлиги, арзонлиги эса асосан транспорт харажатларининг камайтирилиши демакдир. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришни жойлаштиришдаги классик ғоялар И.Тюненнинг қишлоқ хўжалиги штандорти, А.Вебернинг саноат штандорти, В.Кристаллернинг «марказий ўринлари», А.Лешнинг «иқтисодий ландшафтларни» транспорт омилсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Транспорт иқтисодиёт тизимининг қон томири, ҳаракатлантирувчи кучидир. У пировард натижада ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишнинг самарадорлигини таъминлайди.

Юқорида кўрилган омилларнинг ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилишга таъсири уларнинг барчаси «экологик омил» билан ҳисоблашишлари керак. Зотан вужудга келган вазият буни қатъийлик билан талаб этади. Экологик жиҳатдан ва энг аввало кимё, целлюлоза-қоғоз, гўшт, вино, консерва, чарм заводлари, иссиқлик электростанциялари «номақбул» ҳисобланади. Бинобарин, улар аҳоли жойлашган марказлардан узоқроқда бўлгани яхшироқ.

Экологик омилнинг ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ташкил этишига таъсири кимё саноати мисолида кўриш айниқса намунавийдир, чунки бу саноат корхоналарини жойлаштирилиши жуда эркин хусусиятга эга. Сабаби-улар ўсимлик, ҳайвонот, минерал хом ашёси, сув, ҳаво асосида, бошқа саноат чиқиндилари (қора ва рангли металлургия) негизида ҳам ривожланиши мумкин.

Юқоридагилардан ташқари бозор иқтисодиёти омиллини ҳам унутмаслик керак. Содда қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти-бу ишлаб чиқариш эркинлиги, рақобат ва очиқ иқтисодиёт юргизишдир. Бундай шароитда кўп укладли иқтисодиёт, мулкчиликнинг турли шакллари ва рақобат, қулай инвестиция маконини вужудга келтириш, монополияга қарши кураш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис бозор иқтисодиёти омиллини ишлаб чиқариш тармоқларини ҳудудий ташкил этишга нисбатан таҳлил этар эканмиз, унда бу борадаги илгариги анъанавий фикр юритишлар тамомила ўзгариб кетиши керак. Чунки, бу шароитда аксарият нарсани, шу жумладан нимага ихтисослашувни ва қаерда жойлаштиришни пировард натижада бозор, рақобат, талаб белгилайди, давлат эса ўзининг минтақавий сиёсати орқали бу жараённи бошқариб, тартибга солиб туради.

Ҳозирги кунда инфраструктура тизимининг мавжудлиги ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилишда катта рол ўйнайди. Йўл, ер ости ва ер усти қурилмалари, электр узатувчи шахобчалар, турар жой, маиший хизмат кўрсатиш объектлари муҳайё бўлган жойлар янги ишлаб чиқаришни, қўшма

корхоналарни ўзига жалб қилади. Хорижда бундай жойларни саноат парки деб аташади.

Ўтиш даврида айниқса бозор инфраструктурасининг аҳамияти катта. Бозор иқтисодиётининг ўзи эса ишлаб чиқаришни жойлаштиришда ҳал қилувчи омилдир. Сабаби- бозорталаб соҳаларгина ривожланади, бозори чаққон маҳсулотларни ишлаб чиқарган тадбиркорлар енгади.

Бозор (талаб ва таклиф), эркин рақобат, у ёки бу маҳсулот ишлаб чиқарадиган маконни, бозор муҳитини белгилайди. Шу боис, талабнинг нафақат миқдор жиҳатдан ўсиб боришини, балки унинг хусусийлашувини, сифатини эътиборга олиш, ихчам, ҳаракатчан, бошқариши осон бўлган кичик ва ўрта корхоналарни жойлаштириш ўтиш даври учун айниқса хосдир. Бу даврда вақт ва макондан унумли фойдаланиш ўта зарур.

Ҳозирги вақтда қулай инвестиция маконини яратиш ҳам катта мазмун касб этади. Инфраструктура ва бошқа шароитларнинг мавжудлиги, ҳуқуқий ва ташкилий масалаларнинг ҳал этилганлиги, кафолатланганлиги хорижий сармоядорларнинг кириб келишига қулайлик яратади. Кўпинча инвесторлар ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, арзон ишчи кучи бўлган ҳудудларни қидирадилар. Қурилган қўшма корхоналар эса минтақа ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришга, унинг тармоқлар ва ҳудудий таркибига сезиларли ўзгаришлар киритади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни жойлаштириш ўзига хос хусусиятларга эга. Бу борада тадбиркор албатта фойдани, қўшимча даромадни кўзлайди, давлат эса иш ўринларини кўпайтириш, меҳнат ресурсларини банд қилиш, ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилиш, ҳудудлар ривожланиш даражасидаги фарқларни камайитиришга интилади. Демак, бундай вазиятда ҳар икки йўналишни мувофиқлаштирган ҳолда масалани ечиш талаб этилади.

2.3. Миллий иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг устувор вазифалари

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.


Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўлларининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан тафовутнинг, экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда аҳоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби ҳолатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, мазкур жараёнларининг яна бир хусусиятли жиҳати — жаҳоннинг бир мамлакатада рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини

ўтказиши ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлади.

Президентимиз ўз асарларида¹ Инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари – белгиланган комплекс чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтиб, мазкур чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб бердилар.

Биринчидан – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир. Шунга кўра, ушбу тармоқлардаги корхоналарни бир қатор асосий йўналишлар бўйича қўллаб-қувватлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир **(1.1-расм)**.



1.1-расм. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари

Маълумки, мамлакатимиз етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

стандартларига ўтиш бўйича турли муддатларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилган ва изчил равишда амалга ошириб келинмоқда (**1.1-жадвал**).

1.1-жадвал. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган модернизациялаш дастурлари

Модернизация дастурлари	Қабул қилинган санаси	Лойиҳалар сони		Лойиҳалар қиймати (млн. долл.)		Хорижий инвестиция улуши
		жами	хорижий инвестиция иштирокида	жами	хорижий инвестиция	
Енгил саноатни модернизация қилиш дастури	13.11. 2006й.	66	61	466,9	452,45	96,9%
Пахтани қайта ишлаш саноатини модернизация қилиш дастури	03.04. 2007й.	41	-	125,4	-	-
Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатини модернизация қилиш дастури	01.06. 2007й.	36	7	343,06	160,12	46,7%
Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноатини модерни-зация қилиш дастури	12.06. 2007й.	63	10	32,14	2,03	6,3%
«Ўзметкомбинат» корхонасини модернизация қилиш дастури	10.07. 2007й.	9	-	49,04	-	-
Кимё саноатини модернизация қилиш дастури	27.07. 2007й.	30	10	209,67	108,88	51,9%
Навоий тоғ-кон металлургия комбинатини	07.08. 2007й.	24	1	892,1	33	37,0%

модернизация қилиш дастури						
Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатини модернизация қилиш дастури	09.08. 2007й.	13	-	405,3	-	-
Фармацевтика саноатини модернизация қилиш дастури	19.11. 2007й.	39	5	26,47	5,1	19,3%
2008-2009 йилларда автомобиль саноати корхоналарини модерниза-ция қилиш дастури	05.12. 2007й.	26	9	255,06	13,57	5,3%
Қишлоқ хўжалик машинасозлигини модернизация қилиш дастури	07.04. 2008й.	13	-	27,98	-	-
Жами		360	103	2833,12	775,15	38,2%

Бу ўринда мазкур тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси қўйилмоқда. Ўз навбатида, бу мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаш имконини беради.

Иккинчидан — жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш, хусусан:


— айланма маблағларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

– тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан – қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно – озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

– банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясидан кечиш ва бошқа муҳим имтиёз ва преференциялар бериш.

Учинчидан – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш.

Шу мақсадда яқинда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги таклифлари маъқулланганини қайд этиш лозим.



1.2-расм. Таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари

Бунинг учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолият йўналиши бўйича таннархни пасайтириш омиллари тўғрисида кенг ва чуқур тасаввурга эга бўлиши лозим. Умумий ҳолда, мамлакатимиз корхоналарида таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир **(1.2-расм)**.

Маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан бир неча йирик ишлаб чиқариш корхоналарида амалий тажрибалар ўтказиб кўрилди. Жумладан, Тошкент трактор заводининг маҳсулотлари таннархини 20% га камайтириш бўйича 2008 йил декабрь ойида ўтказилган амалий тажриба орқали таннархни оптималлаштиришнинг қуйидаги усуллари қўлланилди:


- импорт ресурслари нархларини қайта кўриб чиқиш ва пасайтириш (-24%);
- материаллар сарфи меъёрларини қайта кўриб чиқиш (-0,06%);
- локализация даражасини кучайтириш орқали таннархни камайтириш (-1%);
- маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартириш (-0,05%);
- фойдаланилмаётган қувватларни консервация қилиш (-2%);
- ишчилар ва ходимлар сонини оптималлаштириш (-0,3).

Тўртинчидан — электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш.

Жумладан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташаббуси билан амалга оширилаётган электр энергияси таъминоти тизимида хусусий операторларни жорий қилиш бўйича амалий тажриба натижаларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Мазкур амалий тажрибани ўтказишдан мақсад фойдаланилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш, истеъмолчилар ҳисоб-китобини тўғри йўлга қўйиш ҳамда истеъмол даврида электр энергияси йўқотишларни камайтиришдан иборат эди.

Ушбу мақсадга эришиш учун Тошкент шаҳар Бектемир тумани мисолида электр энергиясини тақсимлаш ва сотиш бўйича мустақил (хусусий) операторни жалб қилиш механизми ишлаб чиқилди. Бунда хусусий операторни танлаш бўйича махсус комиссияси тузилиб, тариф сиёсати ва шартнома лойиҳалари қатъий келишиб олинди. Жумладан, хусусий операторни танлаш шартлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- тегишли бизнес режанинг мавжуд бўлиши;
- хўжалик юритиш фаолияти бўйича камида 2 йил иш тажрибасига эга бўлиши;
- электр энергиясини сотиш фаолияти учун камида муайян тумандаги электр энергияни истеъмол қилишнинг 3 ойлик миқдorigа тенг молиявий маблағларга эга бўлиши;
- мавжуд дебиторлик қарздорликни ундиришни ўз зиммаси олиши;
- максимал баллга эга бўлиши ва шартнома тузиши;
- 30% миқдorigа олдиндан тўлов ҳамда ҳар ойнинг якунидан сўнг 30 кун давомида якуний ҳисоб-китоб ҳисоботларини амалга ошириши.



1.3-расм. Маҳаллийлаштириш бўйича амалга оширилган лойиҳалар ва уларда иштирок этган корхоналар сони

Бешинчидан – жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашда тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳалари аҳамиятли ўрин тутadi **(1.3-расм)**.

Юқорида кўриб чиқилган асосий вазифаларнинг изчил ва оғишмай бажарилиши пировардида мамлакатимиз иқтисодиётининг янада барқарор ва юқори суръатлардаги ўсиши ҳамда жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирларини камайтиришга имкон яратади.

2 Боб. Сирдарё вилояти иқтисодиётини ривожланишида ҳудудий-иқтисодий муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари

2.1. Вилоят қишлоқ хўжалиги ва уни ривожлантиришнинг ҳудудий-иқтисодий муаммолари

Вилоят Мирзачул минтақасида жойлашган булиб, ўзининг иқлим шароитига кўра ўзига хос хусусиятларга эга. Вилоят умумий ер майдони 427618 гектарни ташкил этиб, шимол томондан Қозоғистон республикаси билан, шарқдан Тошкент вилояти билан, жанубий-ғарб томондан Тожикистон республикаси ҳамда Жиззах вилояти билан чегарадошдир. Бу жойлашув ўзига хос иқлим шароитининг шаклланишига таъсир этади. Вилоят иқлим шароити ўзининг ўта ўзгарувчанлиги билан характерланиб ёзи иссиқ ва қиш фасли совуқлиги билан ажралиб туради. Қиш ва баҳор ойларида вақти-вақти билан Баёвут туманининг бир қисми ва Ховос туманида жануб ва жануби – шарқ томондан секундига 20- 30 метр ва ундан ҳам юқори тезлик билан шамол эсиб туради. Йиллик ёғин миқдори ўртача 175 – 300 мм, баъзи йиллари эса 400 мм. гача этади. Ёғин миқдорининг 42 фоизи баҳор, 33 фоизи қиш, 23 фоизи куз ва 2 фоизи ёз ойларига тўғри келади.

Ўртача кўп йиллик ҳарорат ёз ойларида 25,7 градус, энг иссиқ ой ҳисобланган июл ойида эса 26-28 градусни ташкил этади. Энг юқори ҳарорат 40 - 44 градус ҳисобланади. Қиш ойларида эса ўртача кўп йиллик ҳарорат +6 градус, энг паст ҳарорат -30 градусга этади. Вегетация даврида ўртача кўп йиллик фойдали эффектив ҳарорат 3926 градусга тенгдир.

Вилоятнинг қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган майдони 232667 гектарни ташкил этади. Бугунги кунда вилоят бўйича 103123 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар мавжуд бўлиб, шундан 5182 гектари мелиоратив ҳолати яхшиланиши лозим бўлган ерлардир. Вилоятда бугунги

кунда пахта ва ғалладан ташқари ўрмонзорлар ташкил қилиш, чорва моллари учун озуқа экинларини экиш, сабзавот ва полиз экинлари ҳамда мойли экинлар экиш учун ерлар етарлидир.

Вилоятнинг кўпчилик қисмини оч тусли бўз ва ўтлоқи бўз тупроқлар ташкил этиб, қолган қисми шўрхок тупроқлардан иборатдир. Олиб борилган кўп йиллик кузатишларга асосан вилоятда ер ости сувининг чуқурлиги 1 метрдан бошланиб 3 – 5 метр чуқурликда жойлашган. Ер ости сувларининг минераллашув даражасига кўра жуда хилма-хилдир. Агарда Сирдарё конусининг пастки қисмида сизот сувларининг минераллашуви ҳар литрда 3 граммни ташкил этса, Сардоба ва Шўрўзак Марказий коллекторлари оралиғидаги пастқамликларда уларнинг минераллашуви ҳар литрда 4-19 грамм атрофида бўлиши кузатилган.

Вилоятдаги Сирдарё, Гулистон, Сайхунобод, Оқолтин ва Боёвут туманларидаги тупроқларнинг кўпчилик қисми кучсиз ва ўртача шўрланган. Янгидан ўзлаштирилган Мирзаобод, Сардоба ва Ховос туманларида кучли шўрланган тупроқлар катта майдонни эгаллайди. Бу майдонларда гипс қатлами қалин ва ер устига яқин бўлганлиги сабабли, ер ости сизот сувлари 0,4-1 метр чуқурликда жойлашган. Шунинг учун ҳам бу тупроқлар **мелиоратив жиҳатдан ўзлаштириш қийин ҳисобланади**, бундай тупроқларнинг сув сингдириш қобилияти жуда суст бўлиб, суткасига 0,1 - 0,01 метрни ташкил этади.

Вилоятда асосий сув билан таъминловчи манба Сирдарё дарёси бўлиб, қайсики икки йирик «Дўстлик» (Киров) ва Жанубий - Мирзачўл (Саркисов) магистрал каналлари орқали сув олади. «Дўстлик» каналининг узунлиги 120 км бўлиб, секундига 260 м³ сув ўтказиш қобилиятига эга. Жанубий - Мирзачўл канали эса секундига 500 м³ сув ўтказишга мўлжалланган. Бу икки канал биргаликда 650 минг гектар ерни сув билан таъминлаш қудратига эга. «Дўстлик» канали вилоятимизнинг Гулистон, Мирзаобод, Сайхунобод, Сирдарё, Боёвут туманлари ҳамда Қозоғистон Республикаси Чимкент

вилоятининг Киров, Пахтаорол, Еттисой туманларидаги экин майдонларини сув билан таъминлайди. Жанубий - Мирзачўл канали эса, йирик сув тармоғи ҳисобланиб, Сардоба, Оқ олтин, Ховос туманлари экин майдонларини ҳамда Баёвут туманининг 90 фоизга яқин экин майдонини сув билан таъминлайди.

Вилоят экин майдонларини сув билан таъминлаш даражаси сув етарли бўлган йиллари 80% атрофида бўлиб, қурғоқчилик келган йилларда эса 65-68 фоизни ташкил этади. Эскидан суғориб деҳқончилик қилинадиган туманларда, сув танқис келган йиллари минераллашув даражаси литрига 2,5 - 3,0 грамм бўлган зовур сувларидан фойдаланиш қисобига ўрни қопланади. Ҳар икки каналдан йил давомида оқаётган сувнинг минераллашув даражаси ҳар литрига 1,0 - 1,8 грамм атрофида бўлади.

Сирдарё дарёсида сувнинг минераллашув даражасининг кўтарилиши, **йил охири ва бошида кузатилади.** Чунки бу даврда ерларнинг шўри ювилиб, Сирдарё зовур вазифасини ўтаган ҳолда, тузларни вилоятдан ташқарига олиб чиқади. Шунинг учун ҳам экин майдонлари етарли зовур ва тик қудуқлар билан таъминланиб, шўр ювишни илмий асосланган мақбул муддат ҳамда меъёрлари, суғориш режими, суғориш техникасини жорий этиш туфайлигина сувдан тежаб - тергаб фойдаланишга, тупроқнинг сув туз режимини яхшилашга эришиш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам мавжуд **очиқ – ёпиқ горизонтал зовурларни ўз вақтида тозалаб туриш,** тик (вертикал) қудуқларни таъмирлаш катта аҳамиятга эгадир.

Деҳқончиликда тупроқ унумдорлигини тиклаш ва экинлар ҳосилдорлигини ошириб боришда экинларни навбатлаб экиш системаси асосий ўринни эгаллайди. Экинларни навбатлаб экиш системаси аввало қишлоқ хўжалигида етиштириладиган экинлар ҳосилдорлигини ошириш, чорвачилик учун мустаҳкам озуқа базасини яратишга пухта замин яратиш керак. Суғориб деҳқончилик қилинадиган майдонлардаги кўп йиллик илмий ва амалий тажрибалар шуни кўрсатадики, экинларни алмашлаб экиш жараёни тўғри йўлга қўйилган минтақалардаги тупроқлар жуда юқори

ишлаб-чиқариш қобилиятига эгадир. Ҳозирги замонвий жадаллаштирилган илмий–техника жараёни даврида қишлоқ хўжалигида мелиорация ишларини тўлиқ амалга ошириш, кимёлаштириш ва юқори савиядаги агротехник тадбирларни қўллаш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишга замин яратади. Айниқса, алмашлаб экишнинг экинлар ҳосилдорлигига ҳамда тупроқ унумдорлигига таъсири чиринди миқдори кам бўлган Мирзачўл шароитидаги оч тусли бўз тупроқларда ўз натижасини тез намоён қилиши тажрибаларда кўп бор исботланган. ЎзПТИ Сирдарё филиалида олиб борилган тажрибаларга асосан, бедапоё ҳайдалгандан сўнг 1-2 йиллари ғўза ҳосилдорлиги гектарига 46,8 ц\н, учинчи йили 40,9 ц\н, алмашлаб экиш ротацияси сўнгида эса 36,6 центнерни ташкил этиб бедапоёдан кейинги биринчи йилга нисбатан гектаридан 11,2 центнерга кам ҳосил олиниши исботланган.

Тажрибалар натижасида шу нарса исботландики, Мирзачул шароитида оч тусли бўз тупроқларда органик қолдиқларнинг тез парчаланиб чиринди ҳолатига ўтиши бошқа тупроқларга нисбатан жадал борар экан. Тупроқ унумдорлигини қайта тиклашда алмашлаб экишни тўғри қўллаш зарур. ЎзПТИ Сирдарё филиалида олиб борилган тажрибалардан шу нарса маълум бўлдики: 12 йил давомида ҳеч қандай ўғит қўлланилмасдан доимий ғўза экилганда гектаридан 18 – 20 центнер ҳосил олинган. Сурункасига ғўза экилиб, гектарига (соф ҳолда) 250 кг азот, 175 кг фосфор, 125 кг калий ва йил оралатиб 20 тоннадан гўнг берилганда пахта ҳосилдорлиги 25 – 27 центнер, алмашлаб экиш системасини қўллаб гектарига 250 кг азот, 175 кг фосфор, 125 кг калий ва йил оралатиб 40 тонна гўнг солинганда қўшимча ҳосил гектарига 18 центнер бўлиб, гектаридан ўртача 38 центнер ҳосил олинган.

Алмашлаб экиш тизимида беда экини алоҳида аҳамиятга эга булиб, у ер ости сизот сувларидан актив фойдаланиш ҳисобига сув сатҳини пасайтириб тупроқнинг ҳайдов қатламида зарарли тузларнинг тўпланишига йўл қўймайди. Яъни шўрланишга мойил ва шўрланган тупроқларнинг

мелиоратив ҳолатини яхшилайти. Шунинг учун ҳам алмашлаб экиш тизимида беда экиннинг қатнашиши вилоятимиз шароитида ҳар хил даражада шўрланган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхши ҳолда сақлашга имкон яратиб, чорва моллари учун ширали озуқа ҳисобланади.

Сирдарё вилоятининг суғориладиган ерлари захи жуда кам қочирилган ва сизот суви оқими йўқ гидрогеологик минтақада жойлашган. Зах-сизот сувлари ер юзасига яқин (0,5 – 3,0 м) жойлашган тупроқлар доимий ёки вақти – вақти билан минераллашган сизот сувларининг таъсирида вужудга келади. Натижада, ҳамма суғориладиган ерлар иккиламчи шўрланишга мойилдир.

Кўп йиллар суғориш ва агро-мелиоратив тадбирий чораларнинг қўлланилиши натижасида Сирдарё, Гулистон, Сайхунобод, Боёвут ва Мирзаобод туманининг бир қисмида шўрхок ва кучли шўрланган тупроқлар кучсиз ва ўрта шўрланган тупроқларга айлантирилди. Аммо, вилоятимизнинг суғориладиган майдонларида яъни Оқолтин, Сардоба, Ховос ва Мирзаобод туманларининг бир қисмида тупроқ таркибида кучли шўрланган, мелиоратив жиҳатдан оғир бўлган қатламлардан иборат бўлиб, зичлашган гипс ва жуда қаттиқ гипс (шоҳ) қатламлари учрайди.

Мелиоратив жиҳатдан оғир ўзлаштириладиган ерларнинг тупроқларида зичлашган гипс ва жуда қаттиқ гипс (шоҳ) қатламлари мавжуд бўлиб, сув ўтказиш қобилияти жуда сустдир. Бир кечаю кундузда 0,1 – 0,01 метрдан ҳам кам сув сингдириш қобилиятига эга. Натижада физик – сув хусусиятлари яхши бўлган тупроқларга нисбатан ерларнинг шўрини ювиш даврида бир куб метр сув сарфланганда самарадорлик 3 – 4 марта камаяди. Мелиоратив тадбирлар системасининг асосий вазифаси – тупроқда муқобил сув ва туз режимларини вужудга келтиришни узлуксиз таъминлаб, тупроқнинг унумдорлигини доимо ошиб боришини таъминлаб қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олишдир.

Қишлоқ хўжалик мелиорациясининг характери ва мазмунига қараб

бир нечта гуруҳга булинади:

Агротехник мелиорация – алмашлаб экишни тадбиқ қилиш ва ўзлаштириш, бир йўла ва жорий шўр ювишларни қўллаш, қишлоқ хўжалик экинларини суғоришнинг табақалаштирилган режимини қўллаш, суғориладиган ерларни текислаш ва бошқа агротехник ишлар киради.

Гидротехник мелиорация – турли типдаги сунъий зовурлар (очиқ – ётиқ, ёпиқ – ётиқ зовурлар ва тик қудуқлар) қуриш йўли билан сизот сувлари сатҳи ва уларнинг минераллашуви режимини ростлаб туришга қаратилган бўлиб, ерларни сув билан таъминлашда амалга ошириладиган сув хўжалиги қурилиши ва сувнинг исроф бўлишига қарши кураш олиб бориш чораларидан иборатдир.

Вилоятимизда суғориладиган ерлар гидрогеологик ва мелиоратив жиҳатдан бир хил бўлмаганлиги билан фарқ қилади. Натижада ёз даврида (қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиши ва ривожланиш даврида) кучсиз (0,1- 3,0 г/л) минераллашган сизот сувлар Оқолтин, Сардоба туманларида 10 – 20%, ўрта (3-10 г/л) минераллашган сувлар 75 – 85 фоизни эгаллайди. Мирзаобод ва Ховос туманларида эса кучсиз минераллашган сувлар 30% ва ўрта минераллашган сизот сувлари 70 фоизни ташкил этади. Боёвут, Гулистон, Сайхунобод ва, Сирдарё туманларида кучсиз (0,1- 3,0 г/л) минераллашган сизот сувлари 40 – 50%, ўрта (3,0 – 10,0 г/л) минераллашган сизот сувлари 50 – 60 фоиз майдонларда тарқалган.

Минераллашган сизот сувлар сатҳи 1990 йил 1 апрелда 2 метргача чуқурликда жойлашган майдонлар 19,5%, 2 – 3 метргача 63,4% ва 3 метрдан чуқур жойлашган сизот сувлари 17,1 фоизни ташкил этган бўлса, 1998 йил 1 апрелда бу кўрсаткич 2 метргача чуқурликдаги сизот сувлар 50,8 фоизгача кўпайиб, 2 – 3 метргача чуқурликдаги сизот сувлар 45,2 фоизгача ва 3 метрдан чуқурдаги сизот сувлар эса 4,0 фоизгача камайган.

Оқолтин, Сардоба, Мирзаобод ва Ховос туманларида 2 метргача чуқурликда жойлашган сизот суви бор майдонлар 3,5- 4 марта, Баёвут,

Гулистон, Сайхунобод, Сирдарё туманларида эса бу кўрсаткич 2 марта кўпайиб, 2 – 3 метрдан чуқур жойлашган сизот сувлари бор майдонлар эса 10 марта камайган. Демак қишлоқ хўжалик экинларининг вегетация даврида минераллашган сизот сувлари ер юзасига яқин майдонлар кўпайиб, йил давомида иккинчи шўрланишнинг ортиши кузатилмоқда.

Вилоятда суғориш режими, сизот сувларнинг ҳар хил минераллашганлиги ва уларнинг ер юзасига яқин жойлашганлиги сабабли вегетация даврида тупроқларда шўрланиш даражаси бир хил бўлмаганлиги туфайли, мелиоратив чора – тадбирларни табақалаштириб ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Жадал равишда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун асосий агрометриоратив чора – тадбирлар шўрланишнинг олдини олиш мақсадида олиб борилиши зарур. Бунинг учун кам, жуда кам ва оқимсиз минераллашган сизот сувларини ер юзасидан 2,5- 3,0 метр чуқурликда сақлашга фақат коллектор – зовур ва тик қудуқлар ёрдамида эришиш мумкин.

Кўп йиллик илмий – тадқиқот изланишлар шуни кўрсатадики, гўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги тупроқларнинг шўрланиш даражасига боғлиқ экан. Агарда тупроқнинг шўрланмаган ёки жуда оз шўрланган майдонларида тузларнинг миқдори ўсимлик қуруқ қолдиғида 0,632 % ни, шу жумладан хлор иони 0,010 фоизни ташкил қилганда, ҳосилдорлик тўла таъминланар экан. Кучсиз шўрланган тупроқларда ўсимлик қуруқ қолдиғида туз миқдори 0,702 фоизгача, шундан хлор – иони 0,025 фоизгача кўпайганда ҳосилдорлик 69 %, тупроқ ўртача шўрланганда ўсимлик қуруқ қолдиғида туз миқдори 1,344 фоизгача, шундан хлор – иони 0,030 фоизгача кўпайганда пахта ҳосилдорлиги 48% камайиши тажрибаларда исботланган.

Вилоятимиз тупроқларининг **70–80 фоизи** шўрланишга мойил тупроқлар ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш учун аввало тўлиқ кўчат олиш зарурдир, тўлиқ кўчат ундириб олишнинг асосий

тадбирларидан бири, сифатли ва ўз муддатида шўр ювишни ўтказиш ҳисобланади. Тупроқ шўрини ювишнинг Мирзачул шароитида энг қулай муддати ноябр ойининг 2 – ярми ва декабр ойи ҳисобланади, чунки айнан шу пайтларда ер ости сувларининг сатҳи энг чуқур қатламда жойлашган бўлади.

2.2. Сирдарё вилояти саноат мажмуалари ривожланишининг худудий муаммолари

Саноат мажмуаларининг шаклланганлиги ва ривожланганлиги ҳар бир минтақа иқтисодий салоҳиятини қанчалик тараққий этганлигини кўрсатиб беради. Ушбу доирада қарайдиган бўлсак, саноат мажмуаларининг минтақавий муаммолари ва уларнинг ечимлари Сирдарё вилоятида ўзига хосликни кашф этади. 2010 йил таҳлилига кўра Сирдарё вилоятида иқтисодий ўсишга эътибор берадиган бўлсак, қуйидаги макроиқтисодий кўрсаткичларга эришганлигимизга гувоҳ бўламиз. Жумладан:

- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 386,7 млрд. сўмни ёки 2009 йилга нисбатан 111,6 фоизни;
- капитал қўйилмалар 342,4 млрд сўмни ёки 2009 йилга нисбатан 149,1 фоизни;
- қурилиш-пудрат ишлари 122,3 млрд сўмни ёки 2009 йилга нисбатан 139,3 фоизни;
- ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 601,5 млрд сўмни ёки 2009 йилга нисбатан 106,5 фоизни;
- чакана товар айланмаси 410 млрд сўмни ёки 2009 йилга нисбатан 119,3 фоизни;
- экспорт ҳажми 144,6 млн АҚШ долларни ёки 2009 йилга нисбатан 216,4 фоизни ташкил этган (**иловалар**).

Шу жумладан, вилоят худуди тасарруфидаги корхоналар томонидан 41,8 млн АҚШ доллари миқдорида экспорт амалга оширилган. Шунингдек,

пуллик хизматлар 95,6 млрд сўмни ёки 108,7 фоизни ташкил қилган. Бунинг натижасида, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми 1008,3 млрд сўмни ёки 110,2 фоизни ташкил этган. Ушбу ижобий кўрсаткичларга эришишда саноат мажмуаларининг роли каттадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чоратadbирлари Дастури тўғрисида”ги ПФ-4058-сонли қарори ижросини таъминлаш борасида 2010 йилда вилоят ҳудудидаги йирик корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини 20% қисқартириш бўйича самарали ишлар олиб борилган. Масалан, “Гулистонэкстрактёғ”ХЖда 2010 йилнинг ўтган даври мобайнида жами маҳсулот таннархини камайтириш 10 фоизни ташкил этди. Булар асосан асосий материаллар бўйича харажатлар 6,7 фоизга, маҳсулотни қайта ишлаш бўйича харажатлар 5,0 фоизга, давр харажатлари 8,0 фоизга камайтириш ҳисобига амалга оширилган.

Шунингдек, “Собир Рахимов” МЧЖда 2010 йилнинг ўтган даври мобайнида 60 минг дал маҳсулот ишлаб чиқарилган, маҳсулот таннархини камайтириш прогнози 7,2 млн сўм бўлиб, амалда 5,9 млн сўмни ташкил этди. “Ховосдонмаҳсулот”АЖ 2010 йилнинг ўтган даври мобайнида жами маҳсулот таннархини камайтириш 20 фоизни ташкил этди. Булар асосан энергия ресурсларини 5,7 фоизга, эксплуатация харажатларини 5,2 фоизга, ҳисобот даври харажатларини 5,2 фоизга, ҳамда бошқа харажатларни 1,9 фоизга камайтириш ҳисобига амалга оширилган.

“Оқолтиндонмаҳсулот” ХЖда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жами маҳсулот таннархини камайтириш 4,9 фоизни ташкил этди. Булар асосан хом ашё ва материаллар нормасини 2,0 фоизга, бошқарув ҳодимлари сонини 0,2 фоизга, эксплуатация харажатларини 1,1 фоизга, ҳисобот даври харажатларини 0,4 фоизга, ҳамда бошқа харажатларни 1,3 фоизга камайтириш ҳисобига амалга оширилган.

Агар биз саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари бўйича 2010 йил режасини бажарилишига эътибор берсак, қуйидаги муаммоларни кўришимиз мумкин:

-Вилоят механика таъмирлаш устахонаси Тошкент Кучлук базасидан хомашё тўлиқлигича ажратилмаётганлиги туфайли 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 898 млн. сўм кам маҳсулот ишлаб чиқарган (15,8%).

-"Оқолтин" қўшма корхонаси 2009 йилда қўшимча қувват сифатида Намангандаги ип калава ишлаб чиқарувчи корхонани ижарага олиб ишлаган. Аммо 2010 йил якунида ижара муддати тугаганлиги сабабли корхона қўшимча қувватдан фойдалана олмаганлиги сабабли 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 1383,8 млн сўм кам маҳсулот ишлаб чиқарилган (82,1%).

2009-2012 йилларда вилоятнинг саноат салоҳиятини ошириш, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёхуд тугатиш ҳудудий дастури доирасида амалий ишлар олиб борилган. Дастурда жами 143 та лойиҳа киритилган бўлиб, умумий қиймати 110,4 млрд.сўм ва 114,3 млн АҚШ доллари (ташабускорларнинг ўз маблағлари 40,4 млрд.сўм, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 114,3 млн АҚШ доллари, банк кредитлари 70,1 млрд.сўм) миқдорида маблағ сарфланиши режалаштирилган (**иловалар**).

Дастурга хорижий сармоя иштирокида маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни кенгайтириш ва янги ишлаб-чиқариш қувватлариниларини ишга тушириш бўйича умумий қиймати 108,2 млн АҚШ долларига тенг 16 та лойиҳа киритилди. Дастурда асосий эътибор маҳаллий хом-ашёларни қайта ишлаш ҳисобига тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган, 53 та ноозиқ-овқат жумладан, 13 та корхоналарни модернизация ва технологик қайта жиҳозлаш ва 40 та янги корхоналар ташкил этиш ҳисобига вилоятда хом ипак, трикотаж маҳсулотлари, полиграфия маҳсулотлари, тайёр тикув буюмлар, пластмасса маҳсулотлари, тери галантерияси ва бош кийимлар, тиббий маҳсулотлар, мебель жиҳозлари, ветеринария дори воситалари,

гилам, ип калава, текстиль галантерияси, пайпоқлар ишлаб-чиқариш йўлга қўйилади.

Жумладан, вилоятда 20 та қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган Янги корхоналар ташкил ташкил этилиб, улар томонидан ғишт, брусчатка, фундамент блоклари, черепица, ДСП, алюмин эшик ва ромлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади ва лойиҳаларни амалга ошириш учун 25,4 млрд.сўм маблағлар жалб этилади.

Дастурда асосий эътибор маҳаллий хом ашёни қайта ишлаб тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қаратилган бўлиб, биринчи навбатда енгил саноатни ривожлантириш кўзда тутилган. Ушбу дастур доирасида 32620 тонна ип калава ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бундан ташқари жорий йилда Ўзбекистонда йирик бўлган қуввати 700 минг жуфт эркаклар, аёллар ва болалар ҳамда 4 млн кв.метр керамик плитаси ишлаб чиқарадиган «ПЕНГ-ШЕНГ» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ҳамда 48 минг тонна офис қоғози ва гипсокартон ишлаб чиқарадиган «Асл қоғоз» қўшма корхонаси ишга туширилади.

2010 йилнинг ўзида 63 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган бўлиб, ўтган давр мобайнида 61 та лойиҳа амалга оширилди. Шунга қарамадан айрим ижтимоий-сиёсий ва **иқтисодий муаммолар** асосида мавжуд корхоналар фаолиятида узулишлар юзага келмоқда. Жумладан:

-Ширин шаҳридаги "Асл қоғоз" қўшма корхонасига офис қоғози ва гипсокартон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун жами 31,5 млрд. сўм, 4,0 млн АКШ доллари миқдорида чет эл инвестицияси киритилиши ҳамда 100 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган. Ҳозирда корхонада қурилиш ишлари давом этмоқда. Ускуналар келтирилиши ва ўрнатилиши учун "Ўзсаноатқурилишбанк томонидан 14,5 млрд. сўм маблағида кредит ажратилиши кечиктирилмоқда. Шартномага асосан ажратилган кредит маблағи конвертация қилиниши ҳам керак бўлади. Лойиҳанинг ишга

туширилиши Иқтисодиёт вазирининг 2010 йил 30 декабрдаги 5-6Ғ19-52-2 сонли баёни билан 2011 йилга кўчирилган.

-Сирдарё туманида "Сирдарё саховати" ФХда мева-сабзавот маҳсулотларини қуритиш учун 30,0 млн. сўм. инвестиция киритилиши, ҳамда 10 та ишчи ўрни яратилиши режалаштирилган. ХКнинг ишлаб чиқаришни жорий этиш учун оборот маблағлари етишмаганлиги сабабли лойиҳани амалга оширишни рад этган. Ушбу лойиҳаларнинг ўз муддатида бажарилмай қолиши натижасида вилоятда 110 та иш ўринлари яратилмай қолди.

“Сирдарё вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш, шунингдек истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш бўйича ҳудудий Дастури”га кўра, 2010 йил мобайнида умумий қиймати 54,1 млрд. сўм ва 33,7 млн. доллар қийматдаги жами 63 та лойиҳаларнинг амалга оширилиши белгиланган.

2010 қил жами 61 та лойиҳа амалга оширилиб, умумий қиймати 21,4 млрд. сўм ва 29,4 млн. доллар миқдорида инвестициялар жалб қилинди ҳамда 1278 та янги иш ўринлари яратилди.

Хусусан, хорижий сармоядорлар иштирокида жорий йилда 5 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида 4 та лойиҳа тўлиқ амалга оширилди ва фойдаланишга топширилган. Ушбу лойиҳалар бўйича жами 16,7 млн. доллар миқдорида чет эл инвестициялари жалб этилиб, 530 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича режалаштирилган 29 та лойиҳадан 29 таси фойдаланишга топширилган бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 2010 йилда 11,6 млрд. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиб, 924 та янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан, вилоятда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи фаолият юритаётган корхоналарни кенгайтириш ва янги қувватларни ташкил этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилиб борилмоқда, 8 та лойиҳадан 8 таси

амалга оширилди. Ушбу йўналишда жами 4,1 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилди ва 184 та ишчи ўринлари ташкил этилди. Натижада вилоятда черепица, охак, темир-бетон, пишиқ ғишт ва мрамарга ишлов бериш каби қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги қувватлар ишга туширилди.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 2010 йилда 29 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган бўлиб, шундан 28 таси фойдаланишга топширилган ва жами 9,7 млрд. сўм миқдорида маблағ ўзлаштирилди, натижада 474 та янги иш ўринлари яратилган.

Бугунги кунда энг муҳим вазифалардан бири, вилоятда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришдир. Натижада, вилоятда мини-технологиялар ва ихчам ускуналар билан жиҳозланган гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарни ташкил этиш бўйича 2010 йилга мўлжалланган дастурни вилоят ҳокими тасдиқлаган. Дастур доирасида 2010 йил мобайнида гўштни қайта ишлаш бўйича Боёвут туманида “Авазбек-Асадбек-Азизбек” ХИЧК, Мирзаобод туманида “Мўжаз кўркам сарбон” МЧЖ ўз фаолиятини бошлади. Сутни қайта ишлаш бўйича Янгиер шаҳрида “Зунунқори Махаммадали” ХКси, Сайхунобод туманида “Сайхунсутсаноат” ХКси, Сирдарё туманида “Сабе” ХКси, Ховос туманида “Одил Али” фермер хўжалиги ўз фаолиятини бошлади.

Вилоятда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқрувчи йирик корхоналар бўйича 2010 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлари таъминланган. Шунга қарамай, “Сирдарё вино” АЖ ҳисоб рақамида маблағ етишмаслиги муаммоси натижасида спирт хом ашёси сотиб олишда муаммолар вужудга келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 28 январдаги

ПҚ-1050-сонли қарорининг ижроси бўйича вилоятда амлий натижалар қўлга киритилган:

- Пахтали матолар (марли) ишлаб чиқариш прогнози 4,8 млн. кв.метр белгиланган бўлиб, амалда 4,9 млн.кв.метр ёки қўйилган прогноз 104,2 фоизга бажарилган;

- Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогнози 1,05 млн. дона белгиланган бўлиб, амалда 1,07 млн дона ёки прогноз 101,9 фоизга бажарилган;

- Вилоят бўйича 0,091 млн жуфт пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогнози белгиланган бўлиб, амалда 0,093 млн жуфт маҳсулот ишлаб чиқарилди ва прогноз 104,3 фоизга бажарилган;

- Галантерея буюмлари ишлаб чиқариш прогнози 0,07 млрд. сўм белгиланган бўлиб, амалда 0,08 млрд. сўм ёки прогноз 104,7 фоизга бажарилган;

- Парфюмерия ва косметика товарлари ишлаб чиқариш прогнози 23,9 млн. сўм белгиланган бўлиб, амалда 24,4 млн. сўм ёки прогноз 104,2 фоизга бажарилган;

- Маданий маиший турдаги товарлар ишлаб чиқариш прогнози 66,1 минг дона белгиланган бўлиб, амалда 67,5 минг дона ёки прогноз 104,1 фоизга бажарилган;

- Шунингдек, тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогнози 0,14 млн. дона белгиланган бўлиб, амалда 0,15 млн дона ишлаб чиқарилиб белгиланган прогноз 109,3 фоизга бажарилган.

Вилоятдаги экспорт қилувчи корхоналарнинг сонини, уларнинг экспорти ҳажмини ва экспорт маҳсулотлари турларини кўпайтириш, шунингдек, экспорт географиясини кенгайтириш мақсадида вилоят ҳокимлигининг 2010 йилнинг 9 февридаги 38-З-17—сонли йиғилиш баённомаси билан вилоят ташкилотлари раҳбар ходимларидан иборат экспортга кўмаклашувчи ишчи гуруҳи ташкил этилган. 2010 йилда мазкур йўналишда қуйидаги ишлар амалга оширилган:

1. 10 та янги экспортбоб маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этилди. Булар: «JMP International», «Агро матлубот савдо», «Мевасабзавоттайёрловсавдо», «Навруз Агро экспорт», «Progress frutics», «Нафис Либос», «Sabe», «Амир турон замини», «Куз олтин дон» ва «Batur barak» корхоналардир. Ушбу корхоналар томонидан умумий қиймати 14,7 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги маҳсулотлар экспорти амалга оширилди;

2. 13 та янги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этилиб, ушбу корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспортга йўналтирилиши режалаштирилмоқда.

3. Вилоятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспорт ҳажмини ошириш ва уларга ташқи бозорларда харидор топиш мақсадида, «JMP International» ҚК (мева шарбати), «Кармента Ян текс» ҚК (трикотаж мато) ҳамда «Сайхунобод Сув Таъминот» ХК (минералларга бой таббий тоза ичимлик суви) корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бўйича тижорат таклифлари тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси ТИАИС вазирлиги тизимида кирувчи Давлат акциядорлик ташқи савдо компанияларига тақдим этилди. Мазкур чора-тадбирлар натижасида жорий йил давомида «JMP International» ҚК 1,24 млн. АҚШ доллари миқдорида мева шарбати экспорти амалга оширилди.

4. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2010 йилга келиб умумий ҳудудий экспорт таркибида ижобий диверсификация кузатилди, яъни 2009 йилда ип-калава маҳсулотларининг улуши 37,3 ташкил этган бўлса, 2010 йил якунларига келиб унинг улуши 12,8 га тенг бўлди, ҳамда экспорт таркибида мева-шарбати, болалар трикотаж маҳсулотлари, музқаймоқ ва бошқа янги турдаги маҳсулотлар пайдо бўлди.

Хорижий инвестициялар иштирокида корхоналарни ташкил этиш ҳам долзарб вазифа ҳисобланади. 2010 йил якунига кўра вилоятда 43 та хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар рўйхатдан ўтганлиги қайд этилган.

Шундан 30 та қўшма корхоналар, 12 та хорижий корхоналар ҳамда 1 та шуъба корхона.

Шу жумладан: Гулистон шаҳрида (16 та), Сирдарё туманида (11 та), Сайхунобод туманида (4 та), Янгиер шаҳрида (3 та), Боёвут ҳамда Мирзаобод туманларида (2 тадан), Ширин шаҳрида, Гулистон, Оқолтин, Сардоба, Ховос туманларида (1 тадан) хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар туман ва шаҳарлар кесмида қайд этилган.

Ҳозирги кунда вилоятда 38 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатмоқда ёки ушбу кўрсаткич 2009 йилнинг (32 та) шу даврига нисбатан 118,7 фоизни ташкил этади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ташкил этишда асосан қўйидаги давлатларнинг инвесторлари ўз ҳиссаларини қўшган: Россия Федерацияси – 30,2 фоиз (13 та); Хитой Халқ Республикаси – 16,3 фоиз (7 та); Буюк Британия – 14,0 фоиз (6 та); Туркия – 11,6 фоиз (5 та), Бирлашган Араб Амирлиги – 7,0 фоиз (3 та) ҳамда АҚШ, Швейцария, Бельгия, Италия, Германия, Молдова, Литва, Жанубий Корея, Қирғизистон (1 тадан).

Рўйхатга олинган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналари асосан иқтисодиётининг қуйидаги тармоқлари бўйича тақсимланган: енгил саноати – 32,6 фоиз (14 та); қурилиш саноати – 13,9 фоиз (6 та); қишлоқ хўжалиги – 16,2 фоиз (7 та); озиқ-овқат саноати – 9,3 фоиз (4 та); ёғочни қайта ишлаш ва қоғоз саноати – 4,7 фоиз (2 та); машинасозлик – 4,6 фоиз (2 та); медицина – 2,3 фоиз (1 та) ва бошқалар.

Ҳақиқатдан ҳам кейинги вақтларда вилоят саноат мажмуасини шакллантириш бугунги кунимизнинг долзарб вазифасига айланиб бормоқда. 2010 йил вилоятда жами 13 та янги хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ташкил этилди. Шу жумладан:

-Ўзбекистон-Россия «Карина сервис» ҚК (гипс бинтлар);

Ўзбекистон-Россия «Gulistan-Altay-Impeks» ҚК (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни қайта ишлаш);

-Россия «Imprex» ХК (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни қайта ишлаш);

-Ўзбекистон-Молдова «Бек-Транспромбизнес» ҚК (ғишт маҳсулотлари);

-Ўзбекистон-Буюк Британия «Mili Gulistan Textile» ҚК (ип калава);

-Ўзбекистон-Буюк Британия «Gul Ren Tekst» ҚК (трикотаж маҳсулотлари);

-Бирлашган Араб Амирлиги «Барака Текстил» ХК (ип калава);

-Ўзбекистон-Туркия «Ак Карпет» ҚК (гилам маҳсулотлари);

-Туркия «Serbo Textile Sirdarya» ХК (трикотаж маҳсулотлари);

-Туркия «Atis Tekstil Prodaction» ХК (полиэтилен қоплар);

-Хитой «Peng Sheng Shoes» ХК (пойафзал);

-Хитой «Peng Sheng Charm» ХК (терини қайта ишлаш);

-Жанубий Корея «Sunjin Silk Road» ХК (автомобил хўжалиги фойдаланувчи ва хизмат кўрсатиш).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги “2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1048-сонли қарорига асосан, вилоятда 2 та корхона, яъни Сирдарё туманидаги “Бахтсельмаш” қўшма корхонаси ва Гулистон шаҳридаги “ПАНА” қўшма корхонаси маҳаллийлаштириш дастурига киритилган.

«Бахтсельмаш» ҚК 2010 йилда 520,0 млн сўм, яъни 50 минг дона плуг лемихлари ишлаб чиқариш белгиланган бўлиб, ҳозирда, Россиядан хом ашё келтириш учун конвертация амалга оширилмаган бўлишига қарамай маҳаллий хом ашё асосида 2010 йил мобайнида 170,0 млн сўмлик 10 минг дона маҳсулот ишлаб чиқарилиб, прогноз 20 фоизга бажарилган, шундан 169,3 млн сўмлик маҳсулот ички бозорда сотилган.

«ПАНА» ҚК 2010 йилда 2250 дона ёки 12892,5 млн. сўмлик уч гилдиракли юк мотоцикллари ишлаб чиқариш белгиланган. 2010 йилда 120

дона маҳсулот ишлаб чиқарилиб, прогноз 5,3 фоизга бажарилган ва 720,0 млн. сўмлик мотоцикллар ички бозорга шартнома асосида сотилган. Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган “Пана” ҚК Гулистон шаҳрида жойлашган, ҳозирда корхонага Хитойдан хом-ашё келтирилиши учун 75 минг АҚШ доллари миқдорида конвертация суммаси ҳал қилиниши лозим.

Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган “Бахтсельмаш” ҚК Сирдарё туманида жойлашган бўлиб, ҳозирда корхонага Россиядан хом-ашё келтирилиши учун 240 минг АҚШ доллари миқдорида конвертация суммаси ҳал қилиниши лозим.

Ўтказилган ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида вилоят бўйича жами 1501,4 млн сўмлик 49 та шартномалар тузилган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу шартномалар бўйича 1518,2 млн сўмлик маҳсулотлар харид қилиниб, шартномалар ижроси 101,1 фоизга бажарилган.

Вилоятда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича олиб борилган чора тадбирлар натижасида иқтисодиёт тармоқлари бўйича кичик бизнес субъектларининг маҳсулот (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) ишлаб чиқаришдаги улуши саноат бўйича 34,2 фоизни ташкил қилган.

2.3. Сирдарё вилояти иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни аҳамияти

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Бу жараён бевосита аҳоли турмуш сифатини ошириш масаласини ҳал қилувчи омилдир. Мазкур соҳани ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинган бўлиб, ушбу ҳужжатлар асосида уларга кўплаб имтиёзлар яратиб берилмоқда. Шу жумладан, Сирдарё

вилояти тижорат банклари томонидан ҳам кредит, лизинг ва факторинг хизматларини кўрсатиш ҳисобига кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

2010 йил давомида кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 70,7 млрд. сўм кредитлар ажратилди. Ажратилган кредитларнинг 17,1 млрд. сўмини микрокредитлар ташкил этиб, бу жами кредитларнинг 24,1 фоизини қамраб олади. Бунда барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитларнинг 19,7 миллиард сўми (27,9 фоизи) саноатга, 20,7 миллиард сўми (29,2 фоизи) қишлоқ хўжалигига, 13,8 миллиард сўми (19,5 фоизи) айланма маблағларни тўлдиришга, 10,1 миллиард сўми (14,3 фоизи) қурилиш ва маиший хизмат кўрсатишга ҳамда 6,4 миллиард сўми (9,1 фоизи) бошқа тармоқларга йўналтирилди.

Шуниси диққатга сазоворки, тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 69,2 миллиард сўмни ёки жами ажратилган кредитларнинг 97,8 фоизини ташкил этган бўлиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 19,9 миллиард сўмга ўсган. Худди шунингдек, 2010 йилда кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳисобига 10499 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-да"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2010 йил давомида тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларга жами 5793,0 миллион сўм кредитлар ажратилган бўлиб, 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан ажратилган кредитлар 670,2 миллион сўмга кўпдир. Тадбиркор аёлларга ажратилган кредитларнинг 654,0 миллион сўми яқка тартибдаги тадбиркорларга, 2138,4 миллион сўми, асосан, аёллар меҳнатидан фойдаланиладиган ва улар бошқарадиган кичик корхона ҳамда фирмаларга ажратилган бўлиб, бунда 2010 йил учун белгиланган режа 110,9 фоизга бажарилди.

Мисол учун, "Микрокредитбанк"-нинг Боёвут бўлими томонидан "Ҳафизабону Наргиза" хусусий фирмасига аҳолига маиший хизмат кўрсатиш учун 22,5 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Ажратилган кредит маблағи эвазига 5 та янги иш ўрни яратилди.

"Агробанк" Пахтаобод филиали томонидан Сардоба туманида фаолият кўрсатаётган "Қосим Мансур ҳамкорлиги" хусусий фирмасига тикув машиналари харид қилиш учун 30 миллион сўм кредит ажратилди. Ажратилган кредит ҳисобига бу ерда ҳам 5 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан, вилоят тижорат банклари томонидан ҳисобот даврида 1004 та ёш оилага ажратилган кредитлар миқдори 8 миллиард 351,0 миллион сўмни ташкил этди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 октябрдаги "2009—2012 йилларда Сирдарё вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш, шунингдек, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш бўйича ҳудудий Дастури"ни тасдиқлаш бўйича ўтказилган йиғилиш баённомасига асосан, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни ишга тушириш бўйича 2010 йилда Сирдарё вилояти тижорат банклари томонидан 37 та лойиҳага 13 миллиард 922,0 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Вилоятдаги тижорат банклари томонидан Президентимизнинг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, ишлаб чиқариш корхоналарига 9,0 миллиард сўмлик кредитлар ажратиш режалаштирилган бўлиб, 2011 йилнинг 1 январь ҳола-тига кўра, ушбу қарорнинг бажари-лиши бўйича вилоят тижорат банклари томонидан 9 миллиард 944,0 миллион сўмлик кредитлар берилди.

Шунингдек, "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Янгиер шаҳар филиали томонидан Янгиер шаҳрида фаолият юритаётган "Анвар нон" масъулияти чекланган жамиятига нон ишлаб чиқариш цехини таъмирлаш учун 100 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди ва бунинг ҳисобига 15 та янги иш ўрни ташкил этилди. Корхонада аҳоли дастурхонига йилига 201,0 миллион сўмлик нон ва нон маҳсулотлари етказиб бериш режалаштирилган.

Сирдарё вилоятида яна бир катта лойиҳа амалга оширилди. Яъни "Агробанк"нинг Сирдарё тумани филиали томонидан "TEMUR MED FARM" МЧЖга дори-дармон ишлаб чиқариш фабрикасини қуриш ва ишга туширишга технологик асбоб-ускуналар харид қилиш учун жами 6,1 млрд. сўмлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Шундан 4,9 млрд. сўми банк кредити ҳисобидан амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунга қадар 4 миллиард 875,0 млн. сўм кредит маблағи ажратилди. Қурилиш ишлари ҳам босқичма-босқич олиб борилмоқда. Ажратилган кредит ҳисобига корхона томонидан 60 та иш ўрни яратилиб, йилига 9 хил турдаги 6 млн. 600 минг дона дори-дармон ишлаб чиқарилади. 2011 йилда корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, 12 млн. 540 минг дона дори-дармон маҳсулотлари тайёрланиб, қўшимча 20 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда.

"Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарорига асосан, ишлаб чиқариш корхоналарига технологик ускуналар сотиб олиш учун 8,0 миллиард сўмлик банк кредитлари ажратилиши белгиланган бўлиб, вилоят тижорат банклари томонидан 11 миллиард 163,7 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

"Агробанк"нинг Ширин шаҳар филиали томонидан "Шохруҳ Демирбек" масъулияти чекланган жамиятига полиэтилен қоп ишлаб чиқариш ускуналари ва хом ашё харид қилиш учун жами 50 миллион сўм кредит ажратилди. Корхонада йилига 292 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш режалаштирилмоқда.

Вилоят саноатида янгилик бўлган, қурилиш материаллари ва терини қайта ишлашга ихтисослаштирилган "PENG-SHENG"- Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси 2009 йил 28 март куни вилоят Адлия бошқармасидан рўйхатдан ўтиб, ҳозирги кунда Сирдарё туманида ўз фаолиятини бошлади. Корхонанинг умумий инвестиция миқдори 26,0 млн. АҚШ доллари, шу жумладан, 12,3 млн. АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобига яратилди.

Корхонанинг йиллик қуввати 3 та йўналиш бўйича амалга оширилади. Шундан:

- 1) 4,0 млн. кв. метр керамик плита ишлаб чиқариш ;
- 2) 600,0 минг тонна терини қайта ишлаш;
- 3) 300,0 минг дона пойабзал ишлаб чиқариш.

Корхона тўлиқ ишга туширилгач, 500 та янги иш ўрни яратилади.

Қўшма корхонада ҳозирги кунда керамик плита ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 2011 йил 1 январь ҳолатига кўра, 13,0 млн. АҚШ доллари қийматида инвестиция ўзлаштирилган бўлиб, корхонада 350 та янги иш ўрни яратилган. Ҳозир пойабзал ишлаб чиқариш бўйича асбоб-ускуналар олиб келинган ҳамда монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Сирдарё минтақавий филиали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан бир қанча ишларни амалга ошириб келмоқда.

Хусусан, 2010 йилда вилоятимизнинг 8 та туманида тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича 275 та уй-жой қурилиши режалаштирилган бўлиб, 11 массивда қурилиш ишлари олиб борилди. Қурилиш қийматининг умумий нархи 18223,0 млн. сўмни ташкил қилиб, шу мақсадда филиалимиз томонидан 275 та фуқарога 10362,0 млн. сўм имтиёзли ипотека кредити ажратилди. Мазкур бунёдкорлик ишлари учун фуқаролар томонидан

дастлабки бадал сифатида "Қурилишга сармоя" омонатида 5213,0 млн. сўм маблағлар қабул қилиниб, "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниясининг махсус ҳисоб рақамига маблағ ўтказиб берилди. Ундан ташқари, мижозлар томонидан 2010 йилда барпо қилинган уй-жойларга якуний ҳисоб-китоб учун 1392,0 млн. сўм миқдоридаги маблағлар тўлови амалга оширилди. Бугунги кунда буюртмачи томонидан тайёр уй-жойларни эгаларига топшириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўтган йилда пудратчилар томонидан 15547,0 млн. сўм миқдорида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 сентябрдаги "Қишлоқ жойларда уй-жойларни лойиҳалаштиришни такомиллаштириш ва қурилишни яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Сирдарё вилоятида 8 та қишлоқ туманининг 10 та массивида 310 та янги тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилиши режалаштирилган.

Халқаро андоза талабларига мос равишда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун кичик бизнес субъектларига ривожланган давлатларнинг ишлаб чиқариш технологиялари сув ва ҳаводек зарур. Лекин ишлаб чиқаришни юксак талабларга мос равишда йўлга қўйиш истагида бўлган кичик бизнес субъектларининг барчаси ҳам ўз маблағлари ҳисобидан бу ишни амалга ошира олмайди. Бунда кичик бизнес субъектларининг яхши инвестициявий лойиҳалари хорижий кредит линиялари ва банклар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Хусусан, вилоят тижорат банкларида очилган хорижий кредит линиялари ҳисобидан 2010 йил давомида кичик бизнес субъектларининг 8 та инвестициявий лойиҳаси жами 3 миллион 639,2 минг АҚШ долларига молиялаштирилган бўлиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3 миллион 368,0 минг АҚШ долларига ўсган.

Мисол учун, "Саноатқурилиш-банк"нинг вилоят филиали томонидан Гулистон туманидаги "Соҳил уммон барака" корхонасига қум ва тош казиб

олиш ва қайта ишлаш лойиҳаси бўйича Ислом тараққиёт банки кредит линиясидан 5 йил муддатга 399,4 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Ажратилган кредит ҳисобига 16 та янги иш ўрни ташкил этилди. Корхонада йилига 215,0 млн. сўмлик қум ва тош қазиб олиш ишларини бажариш режалаштирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугун юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш, уни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, хорижий кредит линияларини жалб қилиш ва ўзлаштириш масалалари барча тижорат банклари учун устувор йўналишлардан бири бўлиб қолаверади. Албатда бу жараён аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини яхшилашда етакчилик қилиб бораберади.

2.4. Вилоят иқтисодиётини ривожлантиришнинг истиқбол йўналишлари

Истиқболда мўлжалланган ҳудуд иқтисодий сиёсатининг бош мақсади - вилоят аҳолиси учун етарлича турмуш шароитларини яратиш, ижтимоий муаммоларни изчил ҳал этишнинг асоси сифатида вилоят иқтисодиётининг узок муддатли барқарор ўсишини таъминлаш ва шу асосда вилоятнинг республика иқтисодиётидаги ўрнини мустаҳкамлашдан иборатдир. Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ нафақат республикамизда, балки вилоятимиз иқтисодиётида ҳам иқтисодиётнинг бир томонлама ривожланганлигига барҳам беришга қаратилган чуқур таркибий ўзгаришлар олиб борилмоқда. Аниқланган ҳудудий-иқтисодий муаммолар асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин. Вилоят иқтисодиётида амалга оширилаётган чуқур тузилмавий ўзгаришларнинг асосий устувор вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- корхоналарни қайта ташкил этиш жараёнларини чуқурлаштириш, инвестицион маблағлардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш, асосий фондлар эскиришининг салбий суръатларини бартараф этиш;

- вилоятнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришлар ташкил этиш, экспортнинг хом-ашёга йўналтирилганлигини бартараф этиш;

- замонавий алоқа ва ахборот узатиш тизимларини ҳисобга олган ҳолда, вилоятда ишлаб чиқариш, молия ва бозор инфратузилмаларини, фонд бозорларини ривожлантириш;

- бозорларни биринчи навбатда, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат ва истеъмол моллари билан тўлдирилишини таъминлаш, республикамизнинг озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлашда вилоятнинг ўрнини кенгайтириш;

- янги иш ўринларини яратиш, аҳоли истеъмоли ва реал даромадларининг ўсиши, жамиятда барқарорлик кафолати бўлган ўрта мулкдорлар синфини вужудга келтиришга йўналтирилган фаол ижтимоий сиёсат ўтказиш;

- вилоят иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг алоҳида ўрин тутишини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш.

Тузилмавий ўзгаришларни амалга ошира бориб, вилоят иқтисодиётида қуйидаги натижаларга эришилишини тахмин қилиш мумкин:

- вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти ўртача йиллик ўсиш суръатларининг йилига 8-9% атрофида бўлиши;

- вилоятда пахта хом-ашёсини қайта ишловчи ва трикотаж-тўқимачилик корхоналари тизимини вужудга келтириш орқали вилоят экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш.

Вилоятда 2009 йилда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг ижроси бўйича амалий ишлар олиб борилиб, маълум бир

ижобий натижаларга эришилди. Иқтисодий ўсишга қуйидаги асосий соҳаларда белгиланган прогноз кўрсаткичларнинг таъминланганлиги муҳим омил бўлди.

Жумладан, чакана товар айланмаси 289,3 млрд. сўмни ёки 113,1 фоизни ташкил этиб, белгиланган прогноз (112,5%)га нисбатан 0,6 бандга, хизматлар жами 302,4 млрд. сўмни ёки 124,3 фоизни ташкил этиб, белгиланган прогноз (120,9%)га нисбатан 3,4 бандга, капитал қўйилмалар 207,3 млрд сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 140,0 фоизни ташкил этиб, белгиланган прогноз (107,8%)га нисбатан 32,2 бандга, қурилиш пудрат ишлари 79,7 млрд. сўмни ёки 116,2 фоизни ташкил этиб, белгиланган прогноз (114,4%)га нисбатан 1,8 бандга, пуллик хизмат кўрсатиш 95,7 млрд. сўмни ёки 115,8 фоизни ташкил этиб, белгиланган прогноз (115,2%)га нисбатан 0,6 бандга ўсишига эришилди.

Шунингдек, вилоятнинг асосий тармоқларида жумладан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 312,8 млрд. сўмни ташкил этиб ўтган 2009 йилга нисбатан 9,3 фоизга ўсди. Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми 477,1 млрд сўмни ташкил этиб ўтган йилга нисбатан 4,8 фоизга ўсиши таъминланди.

Бунинг натижасида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми 795,4 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган 2009 йилга нисбатан 5,2 фоизга ўсди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида саноатнинг улуши 2010 йилда 9,6 % ни, қурилиш ишларида 5,8 % ни, қишлоқ хўжалигида 41,2 % ни, савдо ва умумий овқатланиш 6,1 % ни, транспорт ва алоқа 7,3 % ни, солиқлар 6,6 % ни, ва бошқалар 5,0 % ни ташкил этган.

Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида кичик бизнеснинг улуши 77,4 % ни ташкил этиб, ўтган 2009 йилнинг шу даври (72,1%)га нисбатан 2,0 бандга, белгиланган прогноз (73,6%)га нисбатан 0,5 бандга кўп бўлди.

2010 йил якуни бўйича хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши 36,8 % ни ташкил этиб, ўтган йил (35,9

%) га нисбатан 0,9 бандга, белгиланган прогноз (34,5 %) га нисбатан 1,4 бандга кўп бўлди (**иловалар**).

Вилоятда 2010 йилда эришилган натижаларни танқидий таҳлил қилган ҳолда, юртбошимиз томонидан белгилаб берилган мамлакатни 2011 йилда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда истиқболда вилоят иқтисодиёти тармоқларини ривожлантиришда қуйидагиларга алоҳида устуворлик берилиши лозим:

Қишлоқ хўжалиги соҳасида:

- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган чора - тадбирлар;
- қишлоқ хўжалиги ерларининг шўрланишини бундан буён чеклаш мақсадида ёпиқ ва очик зовурларни тозалаш, дренаж тизимини қайта таъмирлаш;
- сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш сувдан фойдаланишда тежамкор технологияларни фаол жорий этиш;
- вилоятнинг иқлим ва тупроқ шароитларини ҳисобга олган қишлоқ хўжалигини асосан занжирли техникалар билан таъминланишини йўлга қўйиш;
- қишлоқ хўжалигида экинларни алмашлаб экиш технологиясига изчил риоя этилишини таъминлаш, хусусан, пахта ва бедани алмашлаб экиш тизимини қайтадан жорий этиш орқали туманларда чорва мажмуаларини вужудга келтириш;
- ўзаро шартнома муносабатларининг шартларига қатъий риоя этилишини назорат қилиш тизимини вужудга келтириш;
- вилоят табиий- иқлим шароитларига мос экин навларини яратиш ва уларни ҳудудийлаштириш;

- вилоят қишлоқ хўжалигига хорижий ва маҳаллий деҳқончилик ва чорвачиликнинг энг илғор тажриба ва усуллари олиб киришни рағбатлантириш;
- қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг истиқболли ҳисобланган фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- қишлоқ хўжалиги мажмуини ривожлантириш учун зарур бўлган инфратузилма объектларини вужудга келтириш;
- жаҳон тажрибасини умумлаштирган ҳолда агросаноат гуруҳларини ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалиги субъектларига агротехник ва агросервис кўрсатувчи тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш.

Саноат ишлаб чиқариши соҳасида:

- маҳаллий хом- ашё асосида ишловчи саноат корхоналарини ташкил этиш;
- пахта толасининг хом-ашё сифатида экспорт қилинишига барҳам бериш мақсадида, пахта хом-ашёсини қайта ишлаш ва ундан экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган саноат корхоналарини ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар тизимини вужудга келтириш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нобудгарчилигига чек қўйиш;
- вилоятда хорижий сармояларни жалб қилган ҳолда истиқболли ҳисобланган энергетика, пахтани қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, дори-дармон ва тиббий воситалар ишлаб чиқариш, қурилиш, транспорт ва алоқа, машинасозлик соҳаларида қўшма корхоналар ташкил этиш;
- вилоят меҳнат ресурслари маълумот даражаси юқорилигини ҳисобга олган ҳолда вилоятда юқори фан сиғимли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;
- Янгиер шаҳри ва унга яқин ҳудудларда вилоят меҳнат ресурсларининг анчагина қисми мавжудлигини ва ушбу ҳудудда аввалдан қурилиш саноати

ривожланганлигини эътиборга олиб, қурилиш саноати корхоналари тармоғини вужудга келтириш;

- саноат ишлаб чиқариши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- қишлоқ ҳудудларида саноат корхоналарини ташкил этиш орқали, ортиқча меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш;
- экологик жиҳатдан соф ва иккиламчи ресурсларга асосланган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш.

Савдо, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳада:

- савдо маданиятини ва сифатини ошириш, аҳолини сифатли озиқ – овқат ва истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида шаҳарларда ва туман марказларида замонавий типдаги мини-маркетлар ва савдо шаҳобчаларини ташкил этиш;
- аҳолига маданий ва маиший хизматлар кўрсатилишини яхшилаш, унинг сифатини ошириш, пуллик хизматлар кўрсатилиши ҳажмини ошириш мақсадида маҳаллаларда аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш шаҳобчаларини ташкил этиш ва шу асосда маҳаллалар бюджетини шакллантириш;
- истеъмолчи ҳақ-ҳуқуқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рақобатчилик муҳитини қарор топтириш;
- суғурта хизматларини такомиллаштириш;
- тайёрлов ва таъминот корхоналари фаолиятини такомиллаштириш асосида аҳолидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нақд пул асосида қабул қилиб олишни йўлга қўйиш;
- вилоятда аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш дастурини бундан буён ҳам изчил давом эттириш;
- шаҳар аҳолисига кўрсатилувчи уй-жой ва коммунал хизматлар сифатини ошириш ва ушбу соҳада турли мулкчилик шаклида фаолият юритувчи корхоналар ташкил этилишини рағбатлантириш;

- аҳолига кўрсатилувчи тиббий хизматлар сифатини ошириш ва тиббиёт соҳасида нодавлат тиббий муассасалар фаолиятини янада ривожлантириш;
- аҳолига кўрсатилувчи алоқа хизматларининг сифатини янада ошириш, интернет хизматларини йўлга қўйиш;
- инсоннинг ҳаёти ва хўжалик фаолиятининг барча жабҳалари бўйича фуқароларга маслаҳат хизматлари кўрсатувчи марказлар фаолиятини йўлга қўйиш ва рағбатлантириш;
- вилоятнинг табиий ресурсларини чуқур таҳлил қилган ҳолда, Сирдарё дарёси бўйида туристик дам олиш масканлари тизимини яратиш;
- вилоят ҳудудини кесиб ўтувчи стратегик аҳамиятдаги автомобил ва темир йўллар истикболларини таҳлил қилган ҳолда, вилоят ҳудудида улгуржи савдо тизимлари (бозорлари)ни барпо этиш ва шу асосда транзит юк ташувчиларга консигнацион, кемпинг ва турли хил техник хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш.

Фан-таълим ва вилоят иқтисодиёти учун малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида:

- вилоятда Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурининг бажарилишини чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда Дастурнинг навбатдаги босқичини рўёбга чиқариш бўйича изчил чора – тадбирлар кўриш;
- вилоят мактабларида фан ўқитувчиларининг етишмаслиги сабабларини таҳлил қилиш асосида вилоят мактаблари учун педагог ходимлар тайёрлаш бўйича масъул ўқув муассасалари имкониятларини кенгайтириш;
- келгусида вилоятнинг интеллектуал салоҳияти юқори бўлган ҳудудга айлантириш мақсадида таълим-тарбия сифатини яхшилаш ва истеъдодли ёшларни қўллаб- қувватлаш;
- вилоят ташкилот ва муассасаларини ахборотлаштириш дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

- Гулистон Давлат Университетининг вилоятда ягона ҳудудий ОЎЮ эканлиги ва бой илмий салоҳиятини ҳисобга олиб, унинг ижтимоий мақомини кўтариш ва уни вилоятнинг етакчи илмий марказига айлантириш;
- Таълим-тарбия сифатини ошириш мақсадида нодавлат таълим муассасаларини вужудга келтириш ва улар ўртасида рақобатчилик муҳитини ривожлантириш;
- ёшларнинг фан, маданият ва спорт билан шуғулланишлари учун турли хил маданият ва спорт мажмуалари ва ўқув марказлари тизимини яратиш ва ривожлантириш;
- туманларда мавжуд кутубхоналар фаолиятини янада жонлантириш ва уларни Интернет тармоғига уланган компьютер технологиялари билан таъминлаш орқали том маънодаги маънавият ва маърифат марказларига айлантириш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида:

- бозор институтлари ва инфратузилмасини яратиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада кучайтириш;
- фуқароларимиз онгида тадбиркорлик ва касб кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида мавжуд бизнес мактаблари ва ўқув марказлари фаолиятини янада ривожлантириш;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзли кредит ва қарз маблағлари ажратилишини йўлга қўйиш;
- кичик бизнес субъектларининг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш ва улар фаолиятига бошқарув органларининг асоссиз тарзда аралашувини чеклаш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва маҳаллий хом-ашё асосида ишловчи кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этиш;
- кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг меъёрида бўлишини таъминлаш мақсадида маслаҳат ва ахборот марказлари

фаолиятини янада ривожлантириш, маркетинг ва реклама хизматларини жонлантириш;

-тадбиркорларнинг дастлабки сармояни топишдаги муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш мақсадида мақсадли ва аниқ йўналтирилган микрокредитлар ажратилишини таъминлаш, кредит уюшмалари фаолиятини рағбатлантириш;

-тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни минимумга келтириш;

-тадбиркорлик субъектлари ва йирик корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ривожлантириш;

-аҳолини турли шаклдаги касаначилик ишларига жалб этиш, халқ хунармандчилигини ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш, пудрат шартномаси асосида уй меҳнатини ривожлантириш.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида:

- вилоятнинг барча туманларида туманнинг мавжуд меҳнат ва хом - ашё ресурсларини ҳисобга олган ҳолда хорижий сармоялар иштирокида кўшма корхоналар ташкил этиш;

- экспорт таркибида хом-ашё маҳсулотларининг улушини қисқартириш ва тайёр маҳсулотлар улушини ошириш;

- хорижий сармояларни жалб этиш мақсадида вилоят салоҳиятини республика ОАВлари ва ярмаркаларида, хорижда кенг намоёниш этиш ва хорижий сармоялар учун вилоятда қулай инвестицион муҳит яратиш;

- вилоят иқтисодиётига киритилаётган хорижий сармояларни ишлаб чиқариш, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги, пахтани қайта ишлаш, озиқ-овқат ва машинасозлик соҳаларига йўналтириш;

- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун зарур инфратузилма объектларини барпо этиш ва улар фаолиятини жаҳон андозаларига мослаш.

Бандликни таъминлаш соҳасида:

Миграция тизимидаги муаммоларни ҳал этиш, вилоят аҳоли бандлигини янада ошириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича қуйидагиларни амалга ошириш таклиф қилинади:

1) Вилоят асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган бўлиб, меҳнатга лаёқатли, лекин ишсиз фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг асосий қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Қайд этилгандан келиб чиққан ҳолда, уларни доимий иш билан таъминлаш мақсадида, мамлакатимиздаги йирик тадбиркорларни ёки хорижий сармояларни жалб этиб, қўшма ёки кичик корхоналар ташкил этиш орқали қўшимча ишчи ўринларини яратиш.

2) Вилоят ҳудудидаги қишлоқ хўжалигига ва саноат ишлаб чиқаришига мўлжалланган мавжуд корхона ва ташкилотларнинг фаолият юритишини сақлаб қолган ҳолда, уларда меҳнат қилаётган фуқароларимизни ишлаши учун ҳар томонлама, шунингдек, ойлик маошларини ўз вақтида тўланиши учун шароит яратиш. Бунинг учун эса вилоятдаги ушбу объектларнинг ноқонуний равишда хусусийлаштирилиб, мол-мулкларини четга сотиб юборилишини олдини олиш ҳамда вилоятдаги улгуржи ва чакана савдо-сотиқ тизимини мунтазам равишда тартибга солиб, ички имкониятлар орқали, пул эмиссия даражасини камайтириб бориш лозим.

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3706-сонли Фармони асосида, айниқса қишлоқ жойларида, касаначилик (уй) меҳнатини ривожлантириш, шу орқали янги иш ўринлари ташкил этиш ҳисобига аёллар бандлигини ҳам таъминлаш лозим. Бунинг учун тижорат банклари ва иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан бериладиган имтиёзли кредитлардан самарали фойдаланиш керак.

4) Аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини оширишнинг муҳим йўналиши сифатида шахсий ёрдамчи хўжаликларда, деҳқон ва фермер

хўжаликларида қорамоллар боқиш ва уларнинг бош сонини кўпайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича ҳукумат томонидан кўрилатган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Қолаверса, бандликнинг ушбу омили энг кам сармоя талаб қилади. Уларни иқтисодий жараёнларга тўлақонли жалб этиш учун бундай субъектлар фаолият кўрсатишини кенгайтириш зарур.

5) Ноқонуний миграцияни олдини олиш учун маҳалла кенгашлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Истиқболли авлод” нодавлат ташкилоти, хотин-қизлар кўмиталари, оммавий ахборот воситаларининг имкониятларини жалб этиш. Улар орқали жойларда кенг қамровли огоҳлантириш-тушунтириш тадбирларини олиб бориш. Шунингдек, ушбу тадбирларга маҳаллий аҳоли орасида алоҳида обрў-эътиборга, ижобий таъсир кўрсатишга эга бўлган фуқароларни ҳам жалб этишга қаратиш.

ХУЛОСА ва ТАКЛИФЛАР

Бозор муносабатларига ўтиш даврида республикамиз ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан турли даражада ривожланмоқда. Бунинг асоси ҳудудий-иқтисодий муаммолар ва уларнинг ўзига хос бартараф этилиши. Бундай муаммоларга ҳудуддаги табиий муаммолар (табиий ресурслар ва табиий шароит ҳолати), ижтимоий-иқтисодий муаммолар (аҳоли бандлиги, аҳоли турмуш шароитидаги фарқлар, иқтисодиёт тармоқларининг ривожланганлик даражаси). Масалан, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Фарғона вилоятлари иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишига кўра, республиканинг бошқа ҳудудларидан олдинда туради. Аксинча, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бу кўрсаткичлар бўйича энг қуйи ўринларни эгаллайдилар.

Қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучларининг мавжудлиги Фарғона водийси вилоятлари олдидаги долзарб муаммолардан ҳисобланади. Сирдарё ва Жиззах вилоятларида эса аксинча, қишлоқ хўжалигини ишчи кучлари билан таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолати ўткир муаммо бўлиб турибди. Навоий вилоятида ишсизлик даражаси юқори.

Умуман, йирик саноат корхоналари жойлашган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси нисбатан янги ўзлаштирилган, саноати кам тараққий этган ҳудудга қараганда анча юқори. Ҳозирги пайтда ҳудудий сиёсатнинг муҳим **вазифаларидан** бири-иқтисодий кооперация ва ҳудудлараро меҳнат тақсимотини такомиллаштиришдир.

Ҳудуд ривожланишидаги энг муҳим **вазифалардан** бири -турли ҳудуд аҳолисининг турмуш даражаси бўйича тафоввутларни бартараф этишдан иборат. Ушбу вазифани бажаришда тараққиёт даражаси паст бўлган ҳудудни ривожлантириш учун махсус Давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, табиий ресурсларга бой ҳудудларда, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Бизга маълумки, ҳудуд деб, мамлакатнинг шундай бир яхлит бўлагига айтиладики, унда қуйидаги учта ўхшаш жиҳатлар мавжуд бўлади:

- Аҳоли ва унинг хусусиятлари;
- Табиий-иқлимий шароитдаги ўхшашликлар;
- Ишлаб чиқариш, ижтимоий инфратузилма ва коммуникация бирликлари.

Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига эришиш учун:

- барча ресурслардан (моддий, молиявий, меҳнат) фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг жадаллиги ва мутаносиблигини таъминлаш, шу асосда унинг самарадорлигини ошириш;
- истикболдаги ривожланиш суръатларини аниқлаш, бунда маҳаллий ресурслардан тўла фойдаланишга эътибор бериш;
- фан-техника ютуқларидан ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш, илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг иқтисодий механизмини яратиш, режалаштиришни янада демократиялаштириш, корхоналарга, ҳудудий бирликларга индикатив (тавсиявий) режаларини тузиш учун ҳуқуқий-иқтисодий шароитлар яратиш, бозор иқтисодиёти шароитида самарали рақобат бўлиши учун бозор талабига мос равишда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;
- ишлаб чиқаришни бозор ҳажми ва талабига мос равишда ташкил этиш;
- валюта тушумларининг кўпайишини таъминлаш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш;
- бозор талаби асосида тез ўзгарувчан янги технологияларни жорий этиш, маҳсулот сифатини ошириш ва ҳоказолар кўзда тутилади.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликни қўлга киритгани ва бозор муносабатларига ўтишни бошлаганидан кейинги қисқа даврда мамлакатимиз миллий иқтисодиётини мустаҳкамлашда ва минтақалар ривожланишини фаоллаштиришда салмоқли ишлар қилинди.

Республика миллий иқтисодиёти минтақалар салоҳияти билан ифодаланади. Бинобарин, ҳар бир вилоят ўзининг имкон даражасидаги

саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт тизими ва экспорт салоҳиятига эга бўлмоғи лозим. Аммо, таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўтиш даврида вилоятлар ўртасидаги иқтисодий ривожланиш даражасидаги тафовут сақланиб қолади. Бу, бир томондан, айрим вилоятлар фаоллигидан (Андижон, Бухоро ва бошқалар) дарак берса, иккинчи томондан, баъзи бир вилоятларнинг аввалгидек тор ихтисослашган, асосан пахта етиштириш билан боғлиқ, эски собиқ Иттифок даврида вужудга келган хўжалик тузилмасининг суст ўзгариб боришини оқибатидир.

Ушбу тадқиқотда олиб борилган таҳлиллар кўрсатишича, Сирдарё вилояти саноат мажмуалари салоҳиятининг пастлиги унинг минерал ресурсларга бой эмаслиги, қулай инвестиция муҳитининг яратилмаганлигига боғлиқ. Қолаверса, бу ерда магистрал автомобил ва темир йўлларнинг, дарё ва каналларнинг маҳаллий аҳамияти кам ва улардан ҳудуднинг иқтисодий ривожланишида фойдаланиш даражаси қониқарли эмас.

Вилоятнинг яна бир хусусияти унинг бошқа минтақаларга нисбатан кечроқ ўзлаштирилганлиги, аҳолининг асосан бошқа районлардан кўчиб келганлиги, қишлоқ ва шаҳар жойларнинг яқинда барпо этилганлигидир. Ана шуларга мос равишда вилоят иқтисодиёти ҳам «ўткинчи», тугалланмаган даражада, яъни кўпроқ у қишлоқ хўжалигига, пахтачиликка асосланган. Пахтачилик эса сўнгги йилларда ерларнинг шўрланиши ва хўжалик оборотидан чиқиши оқибатида мураккаб муаммоларга дуч келмоқда. Юзага келган бундай вазият қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари - шолічилик, пиллачилик, боғдорчилик, полизчилик билан бир қаторда саноат мажмуаларини юксак даражада ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Фақат замонавий саноат тармоқлари минтақа иқтисодиёти салоҳиятини кўтариши мумкин.

Бунинг учун қатор имкониятлар ҳам мавжуд:

-вилоятнинг қулай иқтисодий ва транспорт ўрни;

- меҳнат ресурсларининг мавжудлиги, уларнинг маълумотлик даражасини нисбатан юқорилиги;
- мустаҳкам қурилиш ва электр энергетикаси базасининг борлиги;
- аҳоли жойлашув тизимининг қулайликлари ва ҳоказо.

Юқоридаги шароитлар ва бозор муносабатлари манфаатларидан келиб чиқган ҳолда вилоят иқтисодиётини ривожлантиришда келгусида қуйидаги таклифларни беришни лозим топдик:

- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган чора - тадбирлар;
- қишлоқ хўжалиги ерларининг шўрланишини бундан буён чеклаш мақсадида ёпиқ ва очик зовурларни тозалаш, дренаж тизимини қайта таъмирлаш;
- сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш сувдан фойдаланишда тежамкор технологияларни фаол жорий этиш;
- қишлоқ хўжалигида экинларни алмашлаб экиш технологиясига изчил риоя этилишини таъминлаш, хусусан, пахта ва бедани алмашлаб экиш тизимини қайтадан жорий этиш орқали туманларда чорва мажмуаларини вужудга келтириш;
- маҳаллий хом- ашё асосида ишловчи саноат корхоналарини ташкил этиш;
- пахта толасининг хом-ашё сифатида экспорт қилинишига барҳам бериш мақсадида, пахта хом-ашёсини қайта ишлаш ва ундан экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган саноат корхоналарини ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар тизимини вужудга келтириш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нобудгарчилигига чек қўйиш;
- вилоятда хорижий сармояларни жалб қилган ҳолда истиқболли ҳисобланган энергетика, пахтани қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, дори-дармон ва тиббий воситалар ишлаб чиқариш, қурилиш,

транспорт ва алоқа, машинасозлик соҳаларида қўшма корхоналар ташкил этиш;

-бозор институтлари ва инфратузилмасини яратиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада кучайтириш;

- фуқароларимиз онгида тадбиркорлик ва касб кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида мавжуд бизнес мактаблари ва ўқув марказлари фаолиятини янада ривожлантириш;

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзли кредит ва қарз маблағлари ажратилишини йўлга қўйиш;

- кичик бизнес субъектларининг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш ва улар фаолиятига бошқарув органларининг асоссиз тарзда аралашувини чеклаш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва маҳаллий хом-ашё асосида ишловчи кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этиш ва ҳоказолар.

Келтирилган таклифларни илмий асосланган, аниқ мақсадга қаратилган махсус дастур доирасида амалга оширилиши Сирдарё вилояти иқтисодиёти қудратини мустаҳкамлашга, иқтисодиёт тармоқларини тўғри ташкил қилиш ва шу асосда ҳудудий-иқтисодий муаммоларни ечишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммити ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010 йил 22 сентябрь, 1-2-б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тарақиёт кафолатлари.-Т.:Ўзбекистон. 1997. 326 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.-Т.: Ўзбекистон. 1997.-44 б.
- 5.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
6. Каримов И.А. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январ.
7. Ахмедов Э.А., Сайдаминова З. Ўзбекистон Республикаси.-Т.: Ўзбекистон. 1998. -130 б.
- 8.Акрамов З.А. Ўзбекистон иқтисодий географияси.-Т.: Ўқитувчи. 1994. 65 б.
- 9.Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида: Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисодиёт» нашр, 2008. – 128 б.
- 10.Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007. – 102 б.

11. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики.-М.: ГУ ВШЭ. 2000. -495 с.
12. Голуб А.А., Струкова Е.Б. Экономика природных ресурсов.-М.: Аспект Пресс. 1998. -45 б.
13. Ишмухаммедов А.Э., Раҳимова М. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётни ривожлантириш.-Т.: Ўқитувчи. 1997. -88 б.
14. Имомов Ш. Б. Ўзбекистонда иқтисодиёт кучларини жойлаштириш ва аҳоли пунктларини оқилона ривожлантириш масалалари.-Т.: 1998. -20 б.
15. Касимов Г.М. и др. Экономика Узбекистана на современном этапе.-Т.: Узбекистан. 1996. -45 с.
16. Морозова Т.Г. Региональная экономика.-М.: ЮНИТИ. 2000. -55 с.
17. Набиев Э., Қаюмов А. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти.-Т.: ЎЗМУ. 2000. -87 б.
18. Раҳимова М., Ирмагов М. Минтақа иқтисодиёти асослари.-Т.: ТДИУ. 1999. -43 б.
19. Раҳимова М. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти.-Т.: ТДИУ. 2004. -67 б.
20. Раҳимова М., Ирмагов М. Ҳудуд иқтисодиёти асослари.-Т.: ТДИУ. 1999. -67 б.
21. Сирдарё вилоятида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва ислохотларни бориши тўғрисида. \ статистик тўплам. Гулистон. 2010. 4-14 б.
22. Тўхлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти.-Т.: Ўқитувчи. 1994. -35 б.
23. Тўхлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти.-Т.: Ўзбекистон. 2000. -305 б.
23. Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана.-Т.: Ўқитувчи. 2000. -368 с.
24. Холмўминов Ш.Р. Бозор иқтисодиёти ва аҳоли бандлиги.-Т.: Ўқитувчи. 1994.- 55 б.

25. Ғуломов С.Ғ. Убайдуллаев Р. ва бошқалар. Мустақил Ўзбекистон.-Т.: Меҳнат. 1999. -88 б.
- 26.Ғуломов С., Барбакадзе М. Минтақавий тизимларни оптималлаштириш модели ва усуллари.-Т.: Ўқитувчи. 1997. -45 б.
- 27.Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги расмий сайти: <http://www.agro.uz>.
- 28.WWW.ceep.uz.
- 29.WWW.bearingpoint.uz.
- 30.WWW.pca.uz.
- 31.www.makroiqtisodiyot.narod.ru

Мундарижа

КИРИШ.....	4
1 Боб. Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг ҳудудий-иқтисодий муаммолари ва уларнинг назарий асослари.....	9
1.1.Иқтисодиёт тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантириш назариялари.....	9
1.2. Иқтисодиёт тармоқларини жойлашуви ва ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилар.....	17
2.3. Миллий иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг устувор вазибалари.....	28
2 Боб. Сирдарё вилояти иқтисодиётини ривожланишида ҳудудий-иқтисодий муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.....	36
2.1. Вилоят қишлоқ хўжалиги ва уни ривожлантиришнинг ҳудудий-иқтисодий муаммолари.....	36
2.2. Сирдарё вилояти саноат мажмуалари ривожланишининг ҳудудий муаммолари	43
2.3. Сирдарё вилояти иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни аҳамияти.....	53
2.4. Вилоят иқтисодиётини ривожлантиришнинг истиқбол йўналишлари..	59
Хулоса ва таклифлар.....	70
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	75
Иловалар.....	78
Мундарижа.....	